

**MUNDARIJA**  
**СОДЕРЖАНИЕ**  
**CONTENT**

**БИОЛОГИЯ**

<b>Давлетов С.Р., Руденко И.Ю.</b> Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистонда экологик ҳимояланиш масалалари .....	2
<b>Сапаева Ф.Р., Қутлимуратов Р.С.</b> Тұымыйин сув омборининг тозалик даражасини аниқлаш бүйича мониторинг ишлари .....	4

**ТЕХНИКА**

<b>Рузметов И., Хожаев И.</b> Перспективные направления развития конструкций двигателей с внешним подводом тепла ..	6
---	---

**КИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ**

<b>Зокиров С.С.</b> Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш: ютуқ, муаммо, инновация .....	10
<b>Рұзметов Р., Йұлдошев К., Машарипов А., Палвонов С., Қурбонова Д.</b> Қуий Амударё ҳудудида тарқалған тупроқларнинг экологик муаммолари ..	12
<b>Юсупова М.С.</b> Проблемы размножения клоновых подвоев и выращивания саженцев плодовых культур в условиях Хорезмской области .....	14

**ТАРИХ**

<b>Мамажонов Д.</b> Миллий маънавий ва маданий қадриятларга қайта қуриш давидаги муносабатлар .....	17
<b>Назирова X.</b> Вамбери Огаҳий билан учрашганми? .....	20
<b>Ражабова З.</b> XX асрнинг 20-30 йилларида Хоразмда олиб борилған археологик тадқиқотлар .....	23

**ИКТИСОД**

<b>Абдуллаев Р.Р.</b> Риски «Голландской болезни»: пути преодоления в условиях Узбекистана .....	26
--	----

<b>Джуманиязов У.И.</b> Саноат корхоналарида бошқарув инновацияларини жорий қилишни ташкил этишнинг замонавий парадигмалари ....	28
--	----

**ФАЛСАФА**

<b>Давлетов С.Р.</b> Ёшларнинг экологик онги ва маданиятини юксалтириш – атрофмұхит мусаффолигига эришишнинг мұхым омили .....	34
<b>Эшчанова Н.</b> Глобаллашув жараённанда ахлоқий мұхитта салбий таъсир этаётган омиллар .....	41

**ХОТИРА**

<b>Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими, археолог Шихназар Матрасулов</b> .....	45
--	----

**ХОРАЗМ МАЪМУН**  
**АКАДЕМИЯСИДА ИЛМИЙ**  
**АНЖУМАНЛАР**

“Абулғозий Баҳодирхон – Давлат арбоби ва етук олим” .....	46
“Ал-Хоразмийнинг дунё илм - фанига қўшган ҳиссаси” .....	47
“Абу Райхон Беруний – буюк қомусий аллома” .....	48

## БИОЛОГИЯ

### **ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ХИМОЯЛНИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Давлетов С.Р. УрДУ,  
Руденко И.Ю. KRASS**

Бугун дунёда ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлаётган иқлим ўзгариши жараёнларини кузатиб борар эканмиз, бу ҳодисасининг Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳаётига таъсири борми деган савол туғилиши, табиийдир. Бу экологик муаммонинг бизнинг шароитимиздаги қандай оқибатлари мавжуд? Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, арзимасдек кўринадиган иқлим ўзгариши оқибатида, дунёнинг айрим минтақаларида кескин ҳолатлар (масалан, ҳалокатли сув тошқинлари, ёнғинлар ва бошқалар) юз бераётган бўлса, бизнинг шароитимизда унинг таъсири секинлик билан, аммо сезиларли талофотлар билан бўлмоқда. Айнан, иқлим ўзгариши туфайли Марказий Осиё худудида қурғоқчилик содир бўлмоқда. Экинлар ҳосилдорлиги (гектарига ўртacha 10 центнердан) пасаймоқда.

**Ўзбекистонда иқлим ўзгаришлари оқибатлари.** Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда иқлим ўзгариши туфайли содир бўлиши мумкин бўлган оқибатлар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Сув ресурслари тақчиллигининг кучайиши, музлик ва кор қоплами кунларининг 7–10 кунга камайиб бориши, қурғоқчилик тақрорланишининг кўпайиши (ҳозирги даврда ҳар 10 йилнинг 3 йилида).

2. Ўртacha ҳароратнинг ошиши, йиллик иссиқ даврларнинг 10–15 кунга ўсиб бориши.

3. Ёғингарчиликнинг йиллик ўртacha даражасининг мамлакатни бутун ҳудуди бўйлаб пасайиши ва уларнинг ҳудудлар, вақт ҳамда миқдори бўйича нотекис тарқалиши, ҳаддан ташқари кучли

ёғингарчиликли ва умуман ёғингарчиликсиз кунлар сонининг ортиши.

4. Қишлоқ хўёжалигида етиштириш учун мақбул экинлар таркиби бутунлай ўзгариши.

5. Юқори даражадаги жазирамалар тақрорланишининг ошиши, ҳарорат режими қучайиши натижасида аҳоли саломатлиги билан боғлик муаммолар кўпайиши.

6. Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг аксарият турлари яшайдиган ареалларнинг қайта тақсимланиши, демак, экологик жараёнлар, бериладиган маҳсулотлар ва бажариладиган функцияларнинг тубдан ўзгариши.

7. Саҳроланиш жараёнларининг кучайиши, яъни яшаш ва хўёжалик юритиши мумкин бўлган ерларнинг камайиши.

8. Иқтисодиёт секторлари таъсирининг тўлиқ қайта тақсимланиши ва олдиндан аниқ айтиш қийин бўлган бошқа кўпгина оқибатлар.

**Ўзбекистонда иқлим ўзгаришлари оқибатларига қарши қураш.** Бугун республикада ёқилғи-энергетика объектларини янгилаш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш ҳамда инсон ҳаёт фаолиятида ҳосил бўладиган чиқитларни утилизация қилишга қаратилган лойиҳалар ва бошқалар устида иш олиб борилмоқда. Халқаро ташкилотлар ёрдамида ўрмон ўтқазиш ва қуёш батареяларини ўрнатиши бўйича пилот лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Иқлим ўзгаришлари муаммоси устида бугунги кунда республикамиздаги кўплаб мутахассис олимлар тадқиқотлар олиб боришимоқда. Жумладан, бу борада Хоразм воҳаси олимлари томонидан олиб борилаётган кенг қамровли изланишлар ҳам диккатга сазовор бўлиб, бу изланишлар натижасида қуйидаги тавсиялар илгари сурилмоқда:

➤ Иқлим ўзгариши шароитида экинзорларнинг микроиклимини мақбул ахволга келтириш. Умуман, микроиклимини бошқариш.

➤ Сувни тежовчи услубларни кенг

қўлланиши орқали чўлланиш жараёнини секинлаштириш.

➤ Тупроқнинг шўрланиш суръатини кескин даражада секинлаштириш чораларини кўриш.

➤ Маҳаллий дарахтлар ёрдамида деградацияланувчи ерларда ўрмончиликни ташкил қилиш.

➤ Табиий совуқдан мақсадли фойдаланиш ва бошқалар.

Албатта, олимларимиз томонидан тақдим қилинаётган юқоридаги тавсияларни амалиётга татбиқ этиш усуслари ишлаб чиқилган бўлиб, улар бугунги кунда иклим ўзгаришларининг салбий оқибатларидан ҳимояланишда, қолаверса, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга тўғри ёндашишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Экологик ҳимояланишда эътибор қаратиш лозим бўлган айрим масалалар.**

➤ Мутахассислар фикрига кўра, иқлим ўзгаришларининг бевосита таъсири остида чўлланиш ва сувтанқислиги муаммоси кескинлашиши мумкин. Шунинг учун бугун шу заминда яшаётган ҳар бир инсон олдингидек кўп миқдорда ёки ўзи хоҳлаганча сувга эга бўлиши қийинлигини чукур англаши лозим. Бунинг устига мамлакат аҳолиси ва бизга сув етиб келувчи қўшни давлатлар аҳолиси доимий ўсишда. Бу эса сув ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб боришидан далолат беради. Шу сабабли бугун олдимиизда турган муҳим вазифалардан бири – *бу сувнинг оз миқдори билан ҳам яшаи мумкинлигини кишиларга тушунтириши лозимлиги*dir.

➤ Ўзбекистонда аҳолининг 25 % дан ортиғи тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлиш имкониятидан маҳрумдир. Ваҳолангки, республикамиз пойтахтида ҳар куни киши бошига ўрта ҳисобда 300 литрга яқин ичимлик суви сарфланади.

➤ ГЕФ КГД доирасида Тошкент шаҳридаги уй-жой мулкдорлари ширкатларидан бирида амалга оширилаётган иситиш тизимини такомиллаштириш лойиҳаси темир

кувурларни пластик қувурлар билан алмаштириш ҳам моддий наф кўриш, ҳам табиатга фойда келтириш имкониятини бериши мумкинлигини намойиш этишга қаратилган. Иситишга сарфланадиган газнинг тежаб қолинган ҳар бир кубометри ёки электр энергияси атмосферага чиқариладиган заарли чиқиндилар сонини камайтириш имкониятини беради. Демак барқарор иқлимини сақлашга ва ҳар йили бутун дунёда миллиардлаб долларларга баҳоланадиган барча салбий оқибатларнинг олдини олишга кўмаклашади. *Чироқни ўчиринг, иссиқликни сақланг – Ерга ёрдам беринг!*

➤ 100 миллионта дарахт экиш атмосферага чиқариладиган заарли оксидланган газни 18 миллион тоннага камайтириш имкониятини берар экан. Вояга етган битта дарахт бир йилда тўрт кишидан иборат оила нафас олиши учун етарли миқдорда кислород ишлаб чиқаради. *Юртимизни қўкаламзорлаштиришида ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик!*

➤ Одамлар дарахт кесаётганда эртанги кун ҳақида ўйламайдилар. Мамлакатимиз ҳудудининг 80% ни ташкил қиласидиган чўллар таназзулга учрашга мойилдир. Эртанги кун келиб, одамлар яшайдиган жойларга қумлар бостириб кела бошлагач, хеч ким бу оқибатни куни кеча кесилган дарахт билан боғламайди. Ҳолбуки, *табиатга оқилона ёндашилган тақдирда, ҳатто, чўлдан ҳам унга зиён-заҳмат етказмасдан яхши даромад олиши мумкин.*

➤ Инсон кўпи билан бир соат фойдаланадиган пластик пакет ахлатга ташлангач, орадан 400 йил ўтгандан кейингина тўла чириб битаркан. *Пластик пакетлар ўрнига сумка ва халталар ишлатинг!*

➤ Юртимизда соғлом экологик муҳитни таъминлашда ҳар бир фуқаро даҳлдорлик туйғуси билан яшashi керак. *Бунинг учун ўз шаҳрингиз, маҳалла ёки уйингизда атроф-муҳитни асрараш*

**бўйича ўзингизнинг қоидангизни ишилаб чиқинг.** Бу қоида қайси жиҳатларни акс эттириши ва у кимга мўлжалланиши, нимага ижозат бериб, нимани таъкилаши ҳамда унинг ижроси қандай назорат қилиниши ҳақида ўйлаб кўринг.

### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье приведены сведения об изменении климата в Узбекистане, их последствиях и мерах борьбы, а также о некоторых вопросах по защите окружающей среды.

### **RESUME**

The article covers the information about the climate change and its consequences in Uzbekistan, and also about some important questions in environmental protection.

## **ТУЯМЎЙИН СУВ ОМБОРИНИНГ ТОЗАЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА МОНИТОРИНГ ИШЛАРИ**

**Сапаева Ф.Р., Қутлимуратов Р.С.  
Хоразм Маъмун академияси**

Табиат ҳосиласи бўлган сув ер юзасида мавжуд бўлган барча тирик мавжудотлар, жумладан, инсон ҳаёти ва унинг саломатлиги, саноат корхоналари, қишлоқ ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун энг зарур омиллардан биридир. Шу боис ҳам мамлакатимизда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар давлат сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. (1)

Чунки, атроф-муҳитни асраш умуммиллий вазифа ҳисобланishi билан бирга, экологик тизимлар, табиат комплекслари ҳамда ресурсларининг айrim объектлари, масалан, сув омборларининг муҳофазасини таъминлашда, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш хукуқини кафолатлашда асосий омил ҳисобланади. (2) Шу боис ҳам “Туямўйин сув омборининг тозалик даражасини аниқлашда иштирок этувчи индикатор микроорганизмларнинг ролини ўрганиш”

мавзусидаги илмий-тадқиқот ишини ўтказиш ҳозирги даврда ўта долзарб ҳисобланади.

Туямўйин сув омбори Амударёning қуий қисмида курилган йирик техник иншоотлар мажмуасидир. Унинг асосий вазифаси Амударёning қуий оқимида жойлашган минтақалар – Ўзбекистон Республикасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти, шунингдек, Туркманистон Республикасининг Лебаб ва Тошховуз вилоятлари экин майдонларини суғориш ва шу ҳудудларда яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдан иборат. Шу боис мазкур сув омбори сувлари сифатини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Туямўйин сув омборининг барча комплексларида мониторинг иши ўтказилиб, органик моддалар миқдорини аниқлашда индикатор сифатида иштирок этувчи сапрофит бактериялар ҳамда ифлосланган сувларнинг тозалик даражасини бегилашда индикатор сифатида иштирок этувчи ичак гурухи бактериялари миқдорини аниқлаш талаб қилинади.

Лойиха доирасида Туямўйин сув омборида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида олинган микробиологик маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатди, Амударёning пастки верф қисмидан олинган сув намунасининг кўрсаткичи лойқалик даражаси юқори бўлиб, у 305,9 мг/л га тенг. Умумий қаттиқлик даражаси эса 9,6 мг экв/л, хлоридлар – 312 мг/л, сульфатлар – 330 мг/л га тенг бўлди (1-жадвал). Сапрофитлар ва ичак гурухи бактерияларининг умумий миқдори ҳам юқори эканлиги маълум бўлди (сапрофитлар –  $13,6 \times 10$  хуж/мл, ичак бактериялар гурухи –  $1,6 \times 10$  хуж/мл). Бундан ташқари асосий экологик омиллардан ҳисобланган сув ҳарорати  $15^{\circ}\text{C}$  –  $22^{\circ}\text{C}$  даражада ва pH – 7,0 – 8,0 ўртасида бўлиб, микроорганизмларнинг ривожланиши учун қулай шароит бўлган (2-жадвал).

**Туямўйин сув омбори сувларининг  
физик-кимёвий таркиби  
2012 йил апрель (1-жадвал)**

№	Намуна олинган жой	Лойқа даражаси (мг/л)	Умумий қаттиқлиги (мг экв/л)	Хлоридлар миқдори (мг/л)	Сульфатлар миқдори (мг/л)
1	Амударёнинг пастки верфи	305,9	9,6	312,0	330,0
2	Капарас водоводи	8,0	9,7	316,0	320,0
3	Капарас	-	9,8	312,0	330,0
4	Юқори гудроузел	-	9,7	316,0	320,0
5	Султон Санжар пастки тўғони	-	9,8	312,0	330,0
6	Султон Санжар юқори тўғони	-	9,9	316,0	330,0

**Туямўйин сув омборида учрайдиган  
микроорганизмларнинг миқдори  
2012 йил апрель (2-жадвал)**

№	Намуна олинган жой	Сувдаги бактериялар миқдори (хуж/мл)		Сувнинг харорати °C	Сувнинг pH
		Сапроптилар	Ичак бактериялари		
1	Амударёнинг пастки верфи	13,6x10	1,6x10	15,0	7,0
2	Капарас водоводи	15,5x10	2,2x10	22,0	7,0
3	Капарас	0,4x10	1,9x10	17,0	8,0
4	Юқори гудроузел	3,2x10	2,0x10	17,0	7,5
5	Султон Санжар пастки тўғони	11,2x10	0,7x10	16,0	7,5
6	Султон Санжар юқори тўғони	0,8x10	0,2x10	16,0	7,5

Туямўйин сув омборининг Капарас ва Султон Санжар бўлимларнинг юқори тўғонидан олинган сув намуналарида сувнинг бошқа бўлимларга нисбатан тоза эканлигини кўрсатмоқда.

**REZUME**

This article includes the results of monitoring on defining of quality level of water in Tuyamuyun water reservoir system.

**Адабиётлар рўйхати**

- Махмудов М., Худойқулова Н. Хоразмнинг сугорилиши тарихи. Тошкент, “Истиқлол”, 88-бет
- Мухамедиев Ў.К. Оролбўйи экологиясини соғломлаштириш йўлида. – Тошкент: Фан, 1999.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье изложены результаты мониторинга по определению уровня качества вод в системе Туямуонского водохранилища.

**ТЕХНИКА**

**ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ  
РАЗВИТИЯ КОНСТРУКЦИЙ  
ДВИГАТЕЛЕЙ С ВНЕШНИМ  
ПОДВОДОМ ТЕПЛА**

**Рузметов И., Хожаев И.  
Хорезмская академия Маъмуна**

В качестве энергетических установок наибольшее распространение получили поршневые двигатели внутреннего сгорания.

Положительные свойства двигателей внутреннего сгорания: компактность, высокая экономичность и долговечность, а также возможность использования в них жидкого и газообразного топлива.

Усилиями ученых, конструкторов и изобретателей в технически развитых странах накоплен огромный опыт создания поршневых двигателей. На конструкции карбюраторных двигателей внесены целый ряд изменений: осуществлена дозированная подача воздуха и распределенный впрыск топлива с электронным управлением в цилиндры двигателя [1], тем самым улучшено смесеобразование и плавный процесс сгорания, непосредственный впрыск топлива в цилиндры двигателя или форкамеру [2], увеличено число клапанов, тем улучшен процесс газомассаобмена [3] повышающий коэффициент наполнения, увеличен рабочий объем цилиндров [4], а также до возможности увеличена частота вращения коленчатого вала [5] и др.

В дизельных двигателях также произошли некоторые изменения. Например, форма камеры сгорания, установлены турбокомпрессоры, увеличена частота вращения коленчатого вала и степень сжатия рабочей смеси [2,6], одновременное использования жидких и газообразных топлив и др., вследствие чего повысилась мощность, надежность, компактность, литровая мощность, а также существенно повысился КПД до

0,25-0,40 в карбюраторных, до 0,30...0,44 в дизельных двигателях. Однако стремление повысить полезных показателей двигателя путем изменения объема, т.е. ход поршня или диаметр цилиндра, частоты вращения создает трудно разрешимые проблемы. Например, с увеличением хода поршня существенно возрастают давления поршня на боковые стенки цилиндра, что приводит к увеличению опрокидывающего момента двигателя и сила трения. С увеличением частоты вращения возрастает относительная скорость поршня, а также инерционные силы, увеличивающиеся пропорционально квадрату скорости, которая влияет на размеры движущихся частей двигателя, что приводит к нежелательным последствиям.

Настоящим уровнем развития техники и технологии, стало почти невозможным существенно повысить эффективных показателей поршневых двигателей. Однако, наукой давно доказано теоретическая возможность повышения термического КПД двигателя близким к циклу Карно, например, цикл Стирлинга [7], теоретически позволяющая повысить КПД поршневых двигателей ещё на 20-30% относительно циклов Отто, Дизеля и др... Но осуществление цикла Стирлинга с предложенным им методом, т.е. с внешним подводом тепла (ДВПТ) в цилиндр двигателя, невозможно повысить термический КПД до тех теоретических значений, или даже им приблизиться. В существующих конструкциях ДВПТ проблемно осуществить подвод необходимого количества тепла к рабочему телу за времени цикла, а также отвод тепла из отработанного рабочего тела в окружающую среду. Кроме того в существующих способах с внешним подводом тепла вся масса рабочего тела, находящаяся в закрытом контуре, не может полностью использовано в цикле, из-за возвратно поступательного характера движения по контуру.

Авторами настоящей статьи предложены несколько вариантов технических решений, позволяющий осуществление управляемого термодинамического цикла, в котором рабочее тело совершает круговое движение по контуру. Подвод тепла к рабочему телу (гелий, водород, углекислый газ, воздух) происходит в нагревателе, а отвод тепла в охладителе непрерывно. Время на теплообмен увеличивается в несколько сотни раз относительно прототипа. На фигуре приведена принципиальная схема, одного из вариантов технических решений двигателя с внешним подводом тепла.

Двигатель с внешним подводом тепла состоит из следующих основных функциональных частей: поршневой компрессор и двигатель в одном агрегате, охладителя, нагревателя, впускных и выпускных золотниковых цилиндров и их соединительных элементов. Рабочий цилиндр 1 через впускной золотниковый цилиндр 6 через трубопровод соединён с нагревателем 9, а через выпускной золотниковый цилиндр 7, через трубопровод соединён с охладителем 8. Компрессорный цилиндр 2 через впускной золотниковый цилиндр 6, через трубопровод соединён с охладителем 8, а через выпускной золотниковый цилиндр 7, через трубопровод соединён с нагревателем 9. Их объемы образуют герметический контур и наполнен рабочим телом под давлением. Рабочее тело имеет возможность совершать круговое движение по замкнутому контуру.

Устройство работает следующим образом. В начале цикла определенное количество рабочее тело, нагретое до высокой температуры и давлением, подается через впускной золотниковый цилиндр 6 в рабочий цилиндр 1. Её цикловой объем определяется по

$$V = \frac{\left(\frac{\pi D^2}{4} * l\right)}{2}, \text{ см}^3, \text{ где } D \text{ и } l -$$

соответственно, диаметр и ход поршня двигателя в см. Причем, здесь в

предложенном варианте рабочее тело в цилиндр двигателя подаётся в течении времени  $T$ , примерно, равная 1/9 части циклового времени  $t_1$ , т.е.

$$T = \frac{t_1}{9}, \text{ сек. } t_1 = \frac{1}{n_1}, \text{ где } n_1 - \text{ количество}$$

циклов в секунду определяемая по формуле  $n_1 = \frac{n}{60}, \frac{\text{цикл}}{\text{сек}}$ ;  $n$  – частота

вращения коленчатого вала двигателя в  $\text{мин}^{-1}$ . В начале процесса впуска поршень 3 рабочего цилиндра 1 находится на верхней мертвой точке (ВМТ). Под постоянным давлением рабочего тела, поршень 3 перемещается по цилиндуру вниз, т.е. в сторону нижней мертвой точки (НМТ) поршня, и тем самым через шатун 4 на коленчатом валу 5 создает крутящий момент. Следует отметить, что рабочее тело поступает в цилиндр в количестве, соответствующий расчетному значению и постоянным давлением до закрытия клапана. Далее рабочее тело адиабатно расширяясь совершает работу до НМТ. С достижением поршня НМТ заканчивается рабочий ход поршня. Около НМТ открывается выпускной золотниковый цилиндр 7 и одновременно открывается впускной золотниковый цилиндр 6 компрессора и движением поршня вверх, за счет кинетической энергии, накопленной маховиком, рабочий поршень 3 от НМТ стремится к ВМТ и через открытый выпускной золотниковый цилиндр 7 отработавшее рабочее тело вытесняется в охладитель 8 и поступает в компрессорный цилиндр 2. Выполняется процесс нагнетания рабочего тела через охладитель 8 в компрессорный цилиндр 2. Когда поршень компрессорного цилиндра 2 доходит до НМТ, а поршень рабочего цилиндра 1 до ВМТ оба клапана закрываются одновременно. В компрессорном цилиндре начинается процесс сжатия, давление и температура рабочего тела повышается. Когда давление рабочего тела доходит до

расчетного значения открывается выпускной золотниковый цилиндр 7 и начинается процесс нагнетания и продолжается до ВМТ. Цикл завершается и далее повторяется.

В предложенном варианте ДВПТ параметры уровня шума, уровня вредности продуктов горения топлива для нагрева рабочего тела, возможности работы на различных видах топлива, высокого ресурса, лучшей характеристики крутящего момента сохранены в уровне двигателя Стирлинга. Двигатель установки имеет небольшие изменения в массе, габаритах и созданы условия для использования в качестве двигателя карбюраторного и дизельного двигателей. В двигательной установке, не используя в качестве рабочего тела водорода и гелия, существует возможность увеличить термический КПД до 0,4-0,55.

Самый основной технический эффект, в предлагаемом техническом решении, получается за счет увеличения продолжительности нагрева рабочего тела. В цикле Стирлинга время подвода тепла к рабочему телу находится в пределах 1/4 части хода поршня

$$T_{\text{подвод}}^{\text{Стирлинг}} = \frac{T_u}{4} = \frac{60}{4n} \quad T_u = \frac{60}{n}, \text{ где } T_u, n -$$

соответственно, время нагрева рабочего тела, соответствующая продолжительности одного цикла работы ДВПТ, сек; частота вращения коленчатого вала в  $\text{мин}^{-1}$ .

На варианте предложенного технического решения т.е. ДВПТ, время подвода и отвода тепла за цикл зависит от соотношений объемов нагревателя и охладителя двигателя за цикл. Если  $T_p, T_{\text{от}}$  – соответственно, время для подвода тепла в нагревателе и отвода тепла в холодильнике, сек;  $V_h, V_{\text{наг}}, V_{\text{охл}}$  – расчетные объемы, приведенные в нормальное состояние рабочего тела, соответственно, в двигателе, нагревателе и холодильнике, тогда время подвода тепла к рабочему телу в предложенном варианте ДВПТ определяется по формуле

$$T_{\text{предл.}} = \frac{V_{\text{наг}} * 60}{V_h * n}, \text{ сек.}$$

Отношение времени

$$\frac{T_{\text{предл.}}}{T_{\text{Стирлинг}}} = \frac{\frac{V_{\text{наг}} * 60}{V_h * n}}{\frac{60}{4n}} = \frac{4V_{\text{наг}}}{V_h}.$$

Например, если рабочий объём цилиндра двигателя  $V_h=1\text{ л}$ ,  $V_{\text{наг}} = 40\text{ л}$ , то из последнего соотношения вытекает, что время подвода тепла, расходуемая на нагрев рабочего тела за цикл в предложенном варианте ДВПТ на 160 раз больше по сравнению с двигателем Стирлинга.


Если учесть не участия в цикле Стирлинга всего рабочего тела, находящаяся в теплообменнике время ещё в 2 раза увеличится по сравнению с соотношением, т.е, в 320 раз.

Таким образом с развитием конструкции существующих двигателей с внешним подводом тепла имеется возможность: осуществить подвод необходимого количества тепла к рабочему телу за времени цикла, а также отвод тепла из отработанного рабочего тела в окружающую среду; и полностью использовать в цикле всю массу рабочего тела, находящаяся в закрытом контуре.

#### ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Двигатель ВАЗ 2110, ВАЗ 2111, ВАЗ 2112 (Инжекторный).  
[http://mayvaz.ucoz.ru/index/dvigatel\\_vaz\\_2110\\_vaz\\_2111\\_vaz\\_2112\\_inzhektornyj/0-11](http://mayvaz.ucoz.ru/index/dvigatel_vaz_2110_vaz_2111_vaz_2112_inzhektornyj/0-11).
2. Алексеев В.П., Иващенко Н.А., Ивин В.И. и др.; Под ред. А.С. Орлина, М.Г. Круглова. Двигатели внутреннего сгорания. Устройство и работа поршневых и комбинированных двигателей. Учеб. -3 изд., -:М.: Машиностроение, -1980-288с.
3. Ховах М.С. и Маслов Г.С. Автомобильные двигатели. Изд. 2-е. – М., Машиностроение, 1971, с. 456.
4. Двигатели ВАЗ. <http://www.motors-vaz.ru/vaz21214.html>.
5. Двигатели внутреннего сгорания. Устройство и работа поршневых и комбинированных двигателей. Изд. 2-е. -М:, Машиностроение, 1970, 384с.
6. Кодиров М.С., Никитин С.Е. Автомобиль ва трактор двигателлари: Техника ОУЮ учун дарсллик –Т.: Ўқитувчи, 1992.-520 б.

7. Уокер Г. Двигатели Стирлинга /Сокр. пер. с англ. Б.В. Сутугина и Н.В. Сутугина.— М.: Машиностроение, 1985.—408 с.



Принципиальная схема варианта технических решений двигателя с внешним подводом тепла. 1- рабочий цилиндр; 2- компрессорный цилиндр; 3- поршень; 4 – шатун; 5 – коленчатый вал с маховиком; 6 - выпускной золотниковый цилиндр; 7 - выпускной золотниковый цилиндр; 8 – охладитель; 9 – нагреватель.

### РЕЗЮМЕ

Мақолада ташкаридан иссиқлик бериб ишлатиладын двигательлардан (Стирлинг двигатели) юқори фойдали иш коэффициентини олиш имкониятини чеклаб турған муаммолар устида фикр юритилған бўлиб, улардан бироциклга кетган вакт давомида ишчи жисмга иссиқлик бериш, шунингдек иш бажарған ишчи жисмдан атроф муҳитга иссиқликни чиқариб ташлаш, иккинчиси, берк контурдаги ишчи жисмни тўла массасидан циклда фойдаланиш эканлиги кўрсатиб ўтилган ва уларни бартараф қилиш услуби таклиф қилинган.

### REZUME

This article is about the problems which restrains the ability of obtaining high efficiency of engine with an external heat supply (Stirling engines). Pointed out that the first is heat input to the working object for a cycle, as well, heat output from the waste working object into the environment, and the second, complete use of the entire mass of the working object in a closed loop in a cycle. And the methods of solving these problems are recommended.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

### **ЕРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ: ЮТУҚ, МУАММО, ИННОВАЦИЯ**

**Зокиров С.С. и.ф.н. ЎзР ВМ  
қошидаги Прогнозлаштириш ва  
макроинқисодий тадқиқотлар  
институти**

Маълумки, сугорма деҳқончилик – Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Республика Фанлар Академияси Тупрокшунослик институти ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича Давлат қўмитаси маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда мавжуд 4,3 млн. гектар суғориладиган ерлардан ташқари, яна 7 млн. гектарни мураккаб мелиоратив тадбирларни амалга оширмасдан суғориладиган ерлар таркибига киритиш мумкин.

Бироқ, ўлкамизда суғориладиган ерлар ривожланишига тўсик бўладиган асосий омил – сув ресурсларининг тақчилигидир. Шунинг учун 1986 йилдан буён суғориладиган майдонлар умуман кенгаймади. Суғориш каналларининг фойдали иш коэффициенти 0,63 ни ташкил этади ва бу ракам чорак асрдан буён деярли ўзгармаган. Илгари барча гидромелиоратив тизимларни ишга яроқли ҳолатда сақлаб туриш анчагина харажатларни талаб этар, айни пайтда бу харажатлар олинган иқтисодий самара ҳисобига қопланар эди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида рўй берган иқтисодий қийинчиликлар коллектор-дренаж тизимлари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган маблағларни ажратиш имконини бермади. Натижада, узоқ йиллар мобайнида ариқ-зовурларни қазиш ва тозалаш, ирригация иншоотларини таъмирлаш, мелиоратив техника воситаларни таъмирлаш ва харид қилиш ишлари талаб даражасида бажарилмади.

Бу эса ўз навбатида, экинлар ҳосилдорлигини янада ўстиришга ва қишлоқ меҳнаткашларининг даромадларини оширишга тўсқинлик қилди.

Хозирги пайтда мамлакатимиздаги суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғи турли даражада шўрланган, айни вақтда фермер хўжаликларига қарашли суғориладиган ерларнинг 16 фоизидан ортиги қониқарсиз ҳолатга келиб қолган. Бундан ташқари, 219 минг га майдонда ер ости сизот сувлари сатҳи юқори бўлса, 170 минг гектарида шундай сувларнинг туз микдори меъёридан баланд. Бу муаммоларни ҳал этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил этиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрда «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932 сонли Фармони ва 2008 йил 19 марта “2008 - 2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-817 сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилиб, тўрт йил мобайнида бу жамғарма томонидан 550 млрд. сўм ажратилди. Шунинг ҳисобига 49 та давлат унитар корхонасининг техника парки бутунлай янгиланди. Жумладан, ирригация-мелиорация ишларида фойдаланиш учун “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси томонидан уларга 1258 та экскаватор, бульдозер ва бошқа замонавий техника ҳамда механизмлар етказиб берилди. Натижада 2619 км. узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 40 та мелиоратив насос станцияси, 1600 та тик ҳамда кузатув кудуфини реконструкция қилиш ва қуриш ишлари бажарилди.

Шу билан бирга, умумий узунлиги 53,6 минг км. коллектор-дренаж тармоқлари, 4592 та вертикал қудук, 183 та мелиоратив насос станцияси қайта таъмирланди. Энг асосийси, узоқ йиллардан бўён тугаллашнинг иложи бўлмаётган бир катор йирик мелиоратив обьектлар ишга туширилди. Тошкент вилоятидаги “Уртукли” коллектори, Бухоро вилоятидаги “Кумсултон” пастлигидан “Денгизкўл” ташламасигача бўлган магистраль коллектор ҳамда “Каттакўл-Хўжайли” магистраль коллектори шулар жумласидандир.<sup>1</sup>

Бундан ташқари, турли халқаро молиявий ташкилотларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари ҳам жуда катта маблағларни талаб этувчи ушбу соҳа ривожланишига йўналтирилмоқда. Жумладан, 2007-2015 йиллар мобайнида “Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларида ернинг молиявий ҳолатини яхшилаш” лойиҳаси амалга оширилмоқда ва бунда Осиё тараққиёт банки ўзининг 60 миллион долларлик молиявий қўмаги билан иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикасидаги сугориладиган экин майдонларининг 53 фоизи 1608 та насос станциялари ва қурилмалари ёрдамида сугорилади. Бундан ташқари, Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва фермер хўжаликлари тасарруфида 30000 донадан ортиқ кичик насос станциялари ва қурилмалари мавжуд бўлиб, улар жами қишлоқ хўжалик ерларининг 25 фоизига сув етказиб берадилар. Ер ости сувлари сатҳини тартибга солиш, ичимлик ва сугориш суви билан таъминлаш мақсадида республикада 9800 донадан ортиқроқ вертикал қудукларга ўрнатилган насос қурилмалари эксплуатация қилинади. Шу билан бирга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси маблағлари ҳисобига яна кўплаб мелиоратив насос станциялари ва вертикал зовур насос қурилмалари ишга туширилмоқда. Қишлоқ хўжалигига йилига ўртacha

истеъмол қилинадиган 11,0 млрд.кВт/соатдан ортиқроқ электр энергиянинг 8,2 млрд. кВт/соати насос станциялари томонидан истеъмол қилинади ёки йилига сув хўжалиги комплекси учун ажратиладиган маблағларнинг 75 фоизи давлат насос станцияларини эксплуатация қилишга сарфланади. Шунинг учун мамлакатимиз машинали сугориш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда фойдаланилаётган кўпгина насос станциялари меъёр бўйича ишлаш муддатларини ўтаб бўлган ва эндиликда улар янгиланишга муҳтоҷ. Аммо, энг катта муаммо – насослар фаолияти учун зарур бўлган электр энергияси ҳаражатлари билан боғлиқ. Бу соҳада Намангандан вилояти Чуст туманидаги ҳолат ўрганилганда, экинзорларнинг 7,6 фоизи ёки 2536 гектар ер ички насослар ёрдамида сугорилиши аниқланди. Таъкидлаш жоизки, ички насослар ёрдамида сугориладиган майдонларнинг асосий қисми давлат буюртмаси орқали етиштириладиган экин турлари, яъни пахта (45,6%) ва буғдой (49,5%) ҳиссасига тўғри келади. Шунга қарамасдан, нисбатан паст қувватли ички насосларнинг ҳаражатлари сувнинг бевосита истеъмолчилари, яъни фермер хўжаликлари томонидан қопланади.

Бу нарса кўп ҳолларда ички насослар хизматидан фойдаланадиган фермер хўжаликлари учун катта молиявий муаммоларни келтириб чиқаради. Мъльумотларга кўра, 1 га пахта майдони 2 кун давомида сугориш учун 75 от кучига эга насосга 3600 кв/соат электр токи сарфланади. Хар бир кв/соат электр энергияни 100 сўм деб ҳисобласак, фермер учун 1 га майдонни сугориш 360000 сўмга тушади, демакдир. 50 га пахта майдони бўлган фермер ҳосилни 1 марта сугориш учун 18,0 млн. сўм, вегетация даври мобайнида 8 марта сугориш учун эса 144,0 млн. сўм маблағ сарфлар экан. Бу масала адир ва тоғолди худудларида ерларини насос ёрдамида

<sup>1</sup> <http://news.olam.uz/economica/9792.html>

сүғорадиган фермерлар учун жуда катта муаммо бўлиб турибди.

Хозирги пайтда кўплаб фермер хўжаликлари ички насос станцияларидан қарздор. Масалан, Карнон ҚФЙ Тошкўрғон аҳоли пунктида фаолият кўрсатаётган “Кубрихон Эркин қизи” фермер хўжалиги 2010 йил пахта ҳосилини етиширишда Сумбула СФУга қарашли 2-Машад ички насоси хизматидан фойдаланган ва натижада 15 млн. сўм қарздорлик юзага келган. Бундан ташқари, шу худуддаги Иброҳим фермер хўжалигига ҳам 18,6 млн. сўм қарздорлик кузатилган.

Бу каби ҳолатни республикамизнинг деярли барча худудларида кузатиш мумкин. Жумладан, 2011 йил якунларига кўра, Сурхондарё вилояти Кўмкўрғон туманидаги “Химмат Тўраев”, “Бозоров Шомурод”, “Абдумуродова Зайнаб”, “Жаҳонгир Чориев” фермер хўжаликларида 80 млн. сўмлик, уч кўтарма сув чиқарадиган “Тожиев Жамшид” фермер хўжалигига эса қарийб 400 млн. сўмлик қарздорлик юзага келган. Бу нарса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари учун жуда оғир юк бўлиб тушмоқда.

Маълумки, барча ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Бизнинг фикримизча, ички насослар эҳтиёжи учун зарур бўлган электр энергияси харажатлари маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланса максадга мувофиқ бўлар эди.

Сувдан самарали фойдаланиш усусларидан бири – томчилаб сугориш ҳисобланади. Бу соҳада Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги “Зайтунзор боғи” фермер хўжалиги тажрибаси дикқатга сазовор. Мазкур хўжалик ходимлари адирдаги 10 гектар майдонга экилган зайдун, хандон писта ва бодом кўчатларини салқин ичимлиқдан бўшаган елим идиш (бакалашка) га тўлдирилган сув ёрдамида сугормоқдалар. Бунда бир туп кўчатга ўртacha 1-1,5 литр сув қўйилади ва вегетация даври мобайнида бу иш 4-5 марта амалга оширилади. Бу

каби ишларни кенг оммалаштириш орқали мамлакатимизда сув муаммосини бирмунча ҳал этиш мумкин бўлади.

### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье приведены сведения о способах рационального использования воды и улучшения мелиоративного состояния почв орошаемых земель.

### **RESUME**

The article is about the methods of melioration of irrigated lands and efficient water use.

## **ҚУЙИ АМУДАРЁ ҲУДУДИДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ**

**Рўзметов Р., Йўлдошев К.,  
Машарипов А., Полвонов С.,  
Қурбонова Д. УрДУ**

Орол денгизи минтақасида юзага келган экологик танглик Ўзбекистон, Марказий Осиё ва бошқа мамлакатлар халқларига экологик хавф солаётганлиги маълум. Орол денгизи минтақаси ёки Қуий Амударё рельеф жиҳатидан аллювиал текислик бўлиб Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Туркманистоннинг Тошховуз вилоятларини қамраб олади. Хоразм вилояти дехқончилик қилинадиган ерларнинг 72.3-89.7% майдони Қорақалпоғистон Республикасининг 87.4-93.1% тупроқлари турли даражада шўрланган. Тупроқларнинг шўрланиши асосан  $\text{NaCl}$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{K}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{CaCO}_3$ ,  $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ,  $\text{MgCl}_2$ ,  $\text{MgSO}_4$ ,  $\text{MgCO}_3$ ,  $\text{CaCl}_2$  каби тузлар ҳисобига пайдо бўлади.

Қуий Амударё минтақаси тупроқларида иккиласми шўрланиш жараёни юзага келишининг асосий сабаби минерализациялашган грунт сувларининг ер юзасига яқинлигидир. Сугориш сувларининг катта меъёрда ишлатилиши грунт сувлари сатҳини кўтарилишига сабаб бўлади.

Қуий Амударё ҳудудида кейинги йилларда тупроқларнинг шўрланиши ва бошқа сабабларга кўра кўпчилик ерлар

деярли экин экишга яроқсиз ҳолатга ўтиб қолиши кузатилмоқда.

Шу боисдан шўрланган экин майдонларида юқори ҳосил олиш ва тупроқнинг ижобий структуравий хусусиятларини тиклаш республика қишлоқ хўжалиги олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон қишлоқ хўжалик амалиётида бу каби муаммоларни ечишда микроорганизмлардан кенг фойдаланилади.

Кўйи Амударё худудида бу муаммони ечишда кимёвий агротехникага асосланган экологик тоза, янги технология яратиш лозим. Бу технология тупроқларда шўрга чидамли ва унинг фойдали хусусиятларини тиклай оладиган микроорганизмлар популяциясини яратишни тақозо қиласди.


Тупроқ унумдорлиги мураккаб комплексдаги табиат ва инсон омиллари таъсирида шаклланиб, у микроорганизмларнинг фаолияти ва ривожланиши билан ҳам боғлиқdir. Тупроқ микроорганизмлари кучли биокимёвий энергияга эга. Шу сабабли улар унумдорликни ташкил этувчи барча тупроқ хусусиятларини шаклланишида ва бошқаришда иштирок этадилар. Бундай тупроқлар юқори биологик фаолликка, буферликка, ўсимликларнинг касалликларга қарши бардошлилиги, яхши озиқа, ҳаво, сув, режимларига эга эканлиги билан таърифланади.

Тупроқларнинг экологик ҳолатини билиш борасида уларнинг бошқа хусусиятлари билан бир қаторда микробиологик кўрсаткичларини ҳам ўрганиш мухимdir. Биологик жараёнлар таҳлили тупроқ унумдорлигини олдиндан билиш, сақлаш, ошириш ва уни мухофаза қилиш каби масалаларни самарали бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш учун имконият яратади.

Биз Хоразм вилоятининг чўл зонаси ўтлоқи аллювиал шўрланган тупроқларида тупроқ микроорганизмларининг тарқалишини ўрганиш юзасидан изланишлар олиб бордик.

Иzlaniшлар Урганч туманида жойлашган Урганч Давлат университети ўқув тажриба хўжалиги далаларида олиб борилди. Тупроқ намуналари 2 гектар майдондан шўр ювишдан олдин, шўр ювишдан сўнг ва экиш олдидан олинди.

**1-диаграмма**  
Шўр ювиш таъсирида тупроқдаги биоген элементлар ва гумус миқдорининг ўзгариши




Агрокимёвий анализ учун намуналар умумий услуг бўйича олинди. Микробиологик анализлар учун тупроқ намуналари Е.Ф. Березова (1949) услуги бўйича олинниб полиэтилен плёнкаларда сақланди ва бир суткадан сўнг анализ қилинди. Тупроқдаги чиринди, аммоний, умумий фосфор ва калийнинг умумий миқдори Ўзбекистон Республикаси пахтачилик илмий тадқиқот институти ходимлари томонидан ишлаб чиқилган услублар бўйича аниқланди.

Тупроқдаги микроорганизмлар сони қаттиқ озиқа мұхитларига тупроқ суспензияларини экиш усули билан аниқланди. Аммонификаторлар МПА, замбуруғлар СА, олигонитрофиллар Эшиби, актиномицетлар КАА мұхитларида ўрганилди. Шўрланган тупроқларда биоген элементлар миқдорини ўрганиш ернинг унумдорлигини ва биологик активлигини баҳолашда мұхим аҳамиятга эга. Биз турли даражада шўрланган тупроқларда биоген элементлардан азот, фосфор, калий ва чиринди (1-диаграмма) миқдорини ўргандик. Тажриба натижалари шўри ювилган


тупроқларда биоген элементларнинг умумий миқдори камайиши кузатилди. Ҳаракатчан озиқа элементлар миқдорининг ҳам камайиши кузатилди. Ҳаракатчан озиқа элементлар миқдори ҳам ювилган тупроқларда кескин камайди (2- диаграмма).

**2- диаграмма**  
Шўр ювиш таъсирида тупроқдаги ҳаракатчан элементлар миқдорининг ўзгариши



Ҳаракатчан калий миқдори бошқа тупроқларга нисбатан ўртача шурланган тупроқларда кўпроқ ювилганлиги кузатилади. Ҳудуд тупроқларининг микробиологик таркиби ўрганилганда ҳам шўр ювилган тупроқларда микроорганизмлар сони камайиши кузатилади. Олигонитрофил микроорганизмлар миқдори камайиши сезилиарли даражада кўринмади. Шурланган тупроқлар шароитида аммонификаторлар миқдори бошқа микроорганизм гурухларига нисбатан кўп бўлиши, замбуруғлар ва актиномицетлар миқдори кам бўлиши кузатилади (3- диаграмма).

**3- диаграмма**  
Шўр ювиш таъсирида тупроқдаги микроорганизмлар миқдорининг ўзгариши  
Адабиётлар рўйхати



- Стаменко В.Е., Исманов А.Ж. ва бошқалар. Хоразм тупроқлари. Т.: ФАН - 2003, монография.
- Курбонов Э. Республикадаги суго-риладиган ерларнинг холати ва улардан самарали фойдаланиш. Суғориладиган бўз тупроклар унумдорлигини ошириш ва унинг экологик муаммолари. Илмий тўплам Самарқанд - 2002 й.
- Белоусов М.А. и др. Методы микробиологических исследований и определения микроэлементов. Т.: 1973.
- Рискиева Х.Т. Азот в почвах зоны хлопкосеяния Узбекистана Т.: "Фан", 1989.
- Турсунов Л.Т. Почвенные условия орошаемых земель западной части Узбекистана. Т.
- Мищустин Е.Н., Емцев В.Т. Микробиология, М: Колос, 1978.

### РЕЗЮМЕ

В статье дана информация об экологии почвы, состоянии плодородности, степени засоления и влиянии микроорганизмов для улучшения экологии почвы.

### RESUME

In this article the information is given on soil ecology, fertility condition, soil salinity degree and influence of microorganisms on improvement of soil ecology.

**УДК 634+634.I**

## ПРОБЛЕМЫ РАЗМНОЖЕНИЯ КЛОНОВЫХ ПОДВОЕВ И ВЫРАЩИВАНИЯ САЖЕНЦЕВ ПЛОДОВЫХ КУЛЬТУР В УСЛОВИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

**ЮСУПОВА М.С. стажер-исследователь кафедры плодовоощеводства и виноградарства ТГАУ**

Основная задача садоводства — обеспечение населения высококачественными плодами и ягодами. Одним из путей интенсификации садоводства является применение слаборослых клоновых подвоев. Скороплодность, высокая урожайность, хорошее качество плодов, удобство ухода за кроной, снижение затрат на уборку

урожая — основные достоинства насаждений слаборослых деревьев.

При размножение клановых подвоев и выращивание саженцев плодовых культур, одним из основных элементом интенсификации является закладка промышленных садов на слаборослых подвоях. Это позволяет уменьшить габариты плодовых деревьев, что облегчает уход за ними и сбор урожая, ускоряет их вступление в плодоношение, повышает урожайность с 1 га и качество полученной продукции.

Целью наших проведённых исследований явилось испытание широкого набора различных типов слаборослых клановых подвоев яблони с высоким коэффициентом, размножения хорошо совместимых с широким набором интенсивных сортов в условиях маточника, питомника и сада яблони на засоленных почвах Хорезмской области.

**Учетом наблюдения в условиях маточника являлось следующие компоненты:** слаборослые подвои количество кустов каждого подвоя по 150-200 шт.; степень укоренения 6-ти интенсивных слаборослых подвоев яблони; динамика роста побегов в условиях маточника.

Для решения поставленных задач необходимо подобрать подвои, которые имеют высокую экологическую приспособленность, легко размножаются вегетативно, обеспечивают высокий выход саженцев районированных и перспективных сортов.

Слаборослые подвои, повышающие продуктивность плодоводства, широко применяются в садах во всех природных зонах Узбекистана. В Узбекистане таких садов насчитывается около 10 тыс. га, в том числе и в плоских формах. Такие насаждения обладают многими достоинствами, поэтому стоит задача и дальше широко развивать их. Из таких слаборослых подвоях в нашей республике наиболее известны два типа — M9 (карликовый) и M2 (поликарликовый). В период проведенных исследований проследили за

характером роста и развития большой группы подвоев при свободном их росте, без привоя. Мы исходили из известного положения о влиянии подвоя на привой.

Результаты исследований 26 типов слаборослых подвоев позволяют считать, что для орошающей зоны плодоводства Узбекистана наиболее перспективны следующие девять типов: M2, M5, M7, M9, MM102, MM105, MM106, MM109, MM111. Для районов с суровыми зимами можно рекомендовать четыре типа: M9, M2, M7 и MM102; для слабо и среднезасоленных почв — тип M9; для районов с относительно недостаточным обеспечением поливной водой лучше подойдут типы M2, M5, M9, MM102, MM106. Относительно наиболее солеустойчивым показал себя подвой M9. Согласно [1] урожайность слаборослых подвоев в молодом возрасте (5-7 лет) разная: от слабой (1-6 кг с дерева) у M8, M9, M6, и M11 до средней (6-10 кг) у M1, M2, M3, M4, M5, M7, M13, MM104, MM109 и MM113 и высокой (11-20 кг) у M25, MM102, MM105, MM106, MM110 и MM115.

Проведенные результаты исследований показали, что деревья с карликовым ростом, с компактной кроной, ограниченной площадью питания вступают в плодоношение уже на второй год после посадки в сад, быстрее набирают урожайность и дают гораздо больше интенсивно окрашенных сахаристых крупных плодов, чем яблони тех же сортов, но на сильнорослых подвоях.

Однако, на наш взгляд, очень важная деталь: надо правильно определить срок прививки этой весной или следующей. На ветке саженца, перезимовавшего без всяких повреждений, делают косой длинный (5 см) срез и смотрю. Если выделяется много сока, срез становится от него сырьим, древесина и кора светло-зеленого цвета, то делают прививку в ту же весну, а если сока мало или ветвь немножко подсохшая, то воздерживаю от прививки до следующей весны. При этом

доводят количество скелетных ветвей до трех-четырех.

В нашем случае саженцы, посаженные в засоленных почвах Хорезмского оазиса, образовали плодовую стенку, где мы высаживали их в ряду на расстоянии 2—2,5 м один от другого и 3—3,5 м между рядами. В плодовой стенке проводник на высоте 2,5—3 м обрезали на боковую ветвь для ограничения высоты дерева. В этом случае, для скелета кроны выбрали ветви, направленные в ряд, и их прививали, а те ветви, которые направлены в междурядье, или сгибаючи до горизонтального положения (привязав шпагатом), связывали в слабый узел и оставляли их так, пока деревья не заплодоносят, а потом вырезали на кольцо около штамба, не оставляя пенька. Раны замазывали садовым варом (петролатумом) или масляной краской на натуральной олифе, они быстрее застали.

В заключение необходимо отметить, что перспективы развития производства саженцев высокого качества, пригодных для закладки интенсивных насаждений яблони на слаборослых подвоях велики. Но этот процесс в настоящее время сдерживается слабыми темпами развития интенсивных маточников, которые смогли бы обеспечить необходимое качество подвоев. В целях обеспечения лучших результатов технологии зеленого черенкования вегетативно-размножаемых подвоях яблони рекомендуется:

- использовать выделенные наиболее продуктивные формы подвоев;
- нарезку черенков проводить с орошаемых маточников молодого возраста (до 2-х лет);
- черенкование проводить в середине фазы интенсивного роста побегов (первая декада июля) зелеными черенками длиной 25-27 см и толщиной в верхней части 3-4 мм.

Все это говорит о необходимости и актуальности исследований, направленных на отработку технологии возделывания интенсивных маточников

слаборослых подвоев в разных зонах садоводства Узбекистана.

#### **Список литературы**

1. Буриев Х.Ч., Зуев В.И., Гулямов Б. «Овощеводство, бахчеводство, плодоводство и виноградарство Узбекистана» Ташкент, 2000, с.25-35.
2. Остроухова С.А. Особенности выращивания некоторых клоновых подвоев яблони из зеленых черенков. – Труды ТашГАУ, вып. 74, Ташкент, 2000, с.3-8.
3. Астанакулов Т.А., Нарзиева М.С., Гулямов Б.Х. Основы плодоводства. Учебное пособие. Ташкент. 2010, с.30-40.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақола шўрланган тупроқлар шароитида юкори самарали боғлар ташкил қилишга мўлжалланган олма кўчатини клон пайвандтагларда ўстириш муаммолига бағишиланган. Клон пайвандтаглар ва уларга пайванд қилинган навларнинг Хоразм вилояти шароитида мослашувчанлиги таҳлил қилинган.

#### **RESUME**

The given work is devoted to a problem of cultivation of a planting material of an apple-tree on the clonal tree stocks, intended for creation of high-intensity gardens on saline areas. Adaptability of clonal stocks and the growth condition of the implanted sorts on them in the Khorezm region were investigated. The stocks were estimated at their reproduction period in mother liquids, by cutting during the cultivation of saplings.

## ТАРИХ

### МИЛЛИЙ МАЬНАВИЙ ВА МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

**Мамажонов Д. тадқиқотчи**

Маълумки, ўзбек миллий маданий мероси жуда қадимий бўлиб, у жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўринга ва салоҳиятга эга. Миллий маънавий ва маданий қадриятларга нисбатан муносабат мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди. Зеро Ўзбекистон том маънода жаҳон цивилизациясининг муҳим ўчоқларидан бири ҳисобланади. “Бу кўхна тупроқقا, - деб таъкидлайди юртбошимиз Ислом Каримов, - милодгача бўлган даврда ваундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган асори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда дехқончилик ва хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлади”.<sup>2</sup>

Совет мустабид тузуми даврида коммунистик мафкура манфаатлари асосида миллий маданий мерос ва қадриятлар доимо таъқиб остига олинди. Собиқ “Марказ” томонидан “қайта қуриш” сиёсатининг бошланиши Ўзбекистонда муайян даражада миллий маданий меросга нисбатан муносабат ўзгара борди. Газета ва журналларда авваллари таъкиланган мавзулар бўйича мақолалар чоп этила бошланди. Бу даврда Ўзбекистон даврий матбуотида миллий, маданий мерос, унинг аҳамияти,

тикланиши борасида олиб борилаётган ишларнинг акс этишининг икки сабаби бор эди. Бир томондан, ўзбек ҳалқи, айниқса ўзбек зиёлиларининг миллий, маданий меросни тиклаш, собиқ совет мустабид тузуми даврида унга нисбатан кучайган таҳдидлар, таъкидланишларни йўққа чиқариш учун ҳаракати содир этилган бўлса, бошқа томондан ўша даврдаги “қайта қуриш” бундай жараён учун маълум даражада имкониятлар берган эди. Мазкур имкониятлар, айниқса ўзбек зиёлиларининг миллий-маданий меросни тиклаш йўлидаги саъи-ҳаракатлари, бундай жараённинг ижтимоий эҳтиёж даражасига кўтарилиши, сўзсиз, республикадаги ижтимоий-маданий муҳитни соғломлаштиришга муайян имконият яратди.

XX асрнинг 70-80-йилларида миллий байрамлар, урф-одатларимизни асосиз тафтиш қилиш, камситишлар бўлган. М.Мурадов ўзбек элида асрлар оша давом этиб келаётган, ёшларнинг жисмонан бақувват, қадди-қоматли, жасур, довюрак бўлиб ўсишларида муҳим аҳамият касб этган кураш, човгон, полвонлик, улоқ-кўпкари, сув тагида узоқ туриш, қизқувди каби ҳалқ ўйинларининг кўп қисми йўқолиб кетганлигини куюнчаклик билан таъкидлайди. Мақолада муаллиф Фарғона водийсида қадимдан ўтказиб келинаётган “Катта масҳарабозлик”, “Катта қизиқчилик”, “Катта асқиябозлик”, Хоразмда “Хатарли ўйин”, Бухоро ва Самарқандда “Човқи” ўйинларини тиклаш лозимлигига эътиборни қаратади.<sup>3</sup>

Шунингдек, ўша давр матбуотида миллий қадриятларни Ватан тарихисиз тасаввур этиб бўлмаслиги хусусида ҳам қатор мақолалар чоп этилди. Масалан, П.Шермуҳаммедов Ўзбекистонда “Ўзбекистон тарихи”ни ўқитишга эътибор жуда ёмонлиги, унга ўрта мактабларда бор йўғи 50 соат ажратилганини, шундан 6 соати “СССР тарихи” дарслиги таркибига

<sup>2</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, 2008. – 30-бет.

<sup>3</sup> Муродов М. Қадриятларимизга шикаст етмасин. – “Ўз АС”, 1989, 17 март.

киритилганлигини ёзади. “Ўзбекистон тарихи” 7-синфда 8 соат, 8-синфда 3 соат, 9-синфда 17 соат, 10-синфда 6 соат хажмида ўқитилган. Ваҳоланки, Болтиқбўйи республикаларида бу рақам 150 соатни ташкил этган.<sup>4</sup>

1989 йилдан Ўзбекистонда Ватан тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам кучая борди. Бу хол матбуот сахифаларида ўз аксини топди. Н.Мўминов, Ҳ.Мўминовалар мақоласида Самарқанд шаҳрида бу масалага муайян эътибор қаратилаётганлиги, 100 дан ортиқ мактабда ўлкани ўрганиш музейлари ташкил этилганлиги, қатор кутубхоналарда “Тарихсеварлар клублари” иш бошлаганлиги қайд этилади.<sup>5</sup> Таникли олим Х.Бобобековнинг “Ватанпарварлик нимадан бошланади”, деб номланган мақоласида ватанини севиш унинг тарихини билишдан бошланиши аниқ мисолларда ишонарли тарзда кўрсатиб берилган.<sup>6</sup>

XX асрнинг 80-йиллари охирларидан Ўзбекистонда янги сиёсий раҳбарият саъи-харакатлари билан миллий қадриятлар, маданий мерос тиклана борди. Бу нарса матбуот сахифаларида ўз аксини топа бошлади. Академик М.Хайруллаев маданий меросимизга муносабат жиддий ўзгарганлигини, аммо қўлёзмаларни яхши ўрганиш зарур эканлиги қайд этилади. Жумладан, ЎзРФА Қўлёзмалар ва Шарқшунослик институтларида араб, форс, туркий тилларга мансуб 50 мингдан ортиқ қўлёзмалар, 70 мингдан ортиқ литография китоблари сақланаётгани таъкидланади.<sup>7</sup>

<sup>4</sup> Шермуҳаммедов П. Маънавият дарёлари. – “Ўз АС”, 1989, 27 октябрь.

<sup>5</sup> Мўминов Н., Мўминова Ҳ. Қаҳрамонона анъаналар эстефедаси. – “Партия турмуши”. 1989, № 8, 59-бет.

<sup>6</sup> Бобобеков Х. Ватанпарварлик нимадан бошланади. – “Фан ва турмуш”, 1990, № 3, 6-бет.

<sup>7</sup> Ҳайруллаев М. Маданийларнинг ноёб ҳамкорлиги. – “Совет Ўзбекистони”, 1989, 10 февраль.

Миллий қадриятлар ва маданий меросни тиклашда топонимия масалалари ҳам алоҳида аҳамиятга эга эди. Гап шундаки, совет даврида бу масалага гоявий-сиёсий асосда, компартия манфаатлари нуқтаи назаридан ёндошилган. Айниқса, асрлар оша бизгача етиб келган тарихий номлар совет даврида ғайри тарихий ва ғайри миллий аснода ўзгартирилди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1989 йил 8 сентябрдаги сонида таъкидланишича, республикада аҳолининг 50 дан ортиқ пункти Й.Охунбобоев, юзлаб пункти Киров, Калинин, Куйбышев номи билан аталган. В.И.Ленин номи билан боғлиқ топонимия айниқса кўп эди. Республикада Ленин номи билан боғлиқ колхоз, совхозларнинг ўзи 200 дан ортиқ эди.

1989 йили Ўзбекистон маданият фондида топонимия илмий-ижтимоий Кенгаши тузилди. Унинг вазифаси жўғрофий номларнинг аҳволини тузатиш, бунда илмий-маданий меросга эътиборни қаратишдан иборат эди. Аммо ушбу Кенгаш совет даврида ўз олдига қўйилган вазифани бажара олмади.<sup>8</sup>

Матбуот нашрларида жой номларини тартибга келтиришда барча ташкилот, муассасалар муайян ишлар олиб борганлигини кўрсатувчи мақолалар чоп этила бошланди. Масалан, Д.Саидовнинг “Тарихий номлар яна тикланди” мақоласида 1989 йили Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитасининг жой номларини белгиловчи “атамалар” жамоатчилик комиссияси тузилгани, бир ярим йил мобайнида унинг тавсияси асосида 262 жой номларига ўзгартириш киритилгани, жумладан, 12 та тарихий жой ва 49 та тарихий шахс исми тикланганлиги, абадийлаштирилганлиги қайд этилади.<sup>9</sup>

Вақтли матбуотда жой номларини тартибга солиш ўта муҳим эканлиги кўп

<sup>8</sup> Тарихий жойлар номининг “Қизил китоби”ни яратайлик. – “Ўз АС”, 1989, 8 сентябрь.

<sup>9</sup> Саидов Д. Тарихий номлар яна тикланди. – “Ўз АС”, 1990, 27 июль.

бор мухокама этилди. С.Қараевнинг “Тартибга солиш вақти келди” деган мақоласида жойлар номланишида совет мағкурасининг манфаатлари эътиборга олинганилиги, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида пала-партиш равишда “Бирлик” (12 та), “Дўстлик” (15 та), “Иттифоқ” (30 та) номли қишлоқлар кўпайиб борганлиги, республикада жами 13 минг қишлоқшаҳар бўлса, уларнинг жами атиги 3 мингдан ошмаслиги, улар тақорланаверганлиги ёзилади. Ўзбекистонда 32 та Ленин, 8 та Ленинград, 10 Ленинизм, 16 та Ленин йўли, 12 та Ленинбод, 4 та Ленинчи, 6 та Ильич каби шаҳар-қишлоқлар, 20 та Ленин, 5 та Ленин йўли, 4 та Ленинград қишлоқ советлари борлиги ушбу матбуотда келтирилади.<sup>10</sup>

Матбуот саҳифаларида маданий ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишлари ҳам яхши эмаслиги тўғрисида кўплаб материаллар берилган. Масалан, “Бепарвоникнинг чеки борми?”, деб номланган мақолада 1989 йил сентябргача республикада 9310 та харакатсиз ёдгорликлар хисобга олингани, улардан фақат 6466 тасигина давлат муҳофазасига олингани ёзилади. Тошкент ва Бухородаги Кўкалдош мадрасаси, Жомеъ масжиди, Зангиота комплекси, Каффол Шоший мақбараси, Ситораи Моҳҳосса, Калон масжиди, Абдуллахон, Мадалихон мадрасалари 10 йиллар давомида таъмирланмаганлиги ёзилади. Айниқса ажратилган пуллар қурилиш ташкилотлари томонидан бошқа обьектларни таъмирлашга сарфланаётганлиги, масалан, бу рақам “Меъмор” бирлашмасида 56 фоизни ташкил этганлиги куюнчаклик билан қайд этилади.<sup>11</sup>

Вақтли матбуотда миллий қадриятлар, маданий мерос тизимида диний қадриятларнинг ўрни катта эканлигига

эътибор қаратилади. 1990 йилдан бу борада муайян ишлар бажарилди. 1990 йилда марказий идоралар рўйхатидан ўтган масжидлар сони 250 тага етган. Ўзбекистон телевидениесида “Одбонома” кўрсатуви эфирга чика бошлади, вилоятларда бош имом хатиб лавозимлари жорий этилди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидан миллий қадриятлар ва маданий мерос масаласига концептуал-методологик жиҳатдан ёндашув ўзгариши юз бера бошлади. Бу ҳолни айниқса академик М.Хайруллаевнинг “Фан ва турмуш” журналида чоп этилган “Қадриятларимиз қадри” мақоласида яққол кўриш мумкин эди. Муаллиф маданий мерос, ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихини ўзлаштирганимизда факат марксчаленинча методология асосида иш олиб борганимиз хато эканлигини билмаганимиз, дейди. Ушбу методологиядан чекиниш, шубҳаланиш, эркинлик мағкуравий қораланишга олиб келганлиги қайд этилади. Бу ҳол 1970-йилларнинг бошларида Ўз ФА мухбир аъзоси Р.Набиевнинг Кўқон хонлиги, олим Э.Рустамовнинг Аҳмад Яссавий ҳақида, шунингдек, Хусайн Бойқаронинг шеърлари, атоқли олим, академик Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги рисоласи ва XV аср тарихчиси Али Яздийнинг Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган “Зафарнома” асарининг кўчирма нусхасининг чоп этилгани 1974 йилда Ўзбекистон КП Марказий қўмитасининг маҳсус қарори билан ўтмишни идеаллаштиришга уриниш сифатида коралангандиги таъкидланади.<sup>12</sup>

Миллий маданий меросни тиклаш, авайлаб-асраш ҳар бир давр авлодининг муқаддас бурчи ҳисобланади. Аммо совет мустабид тузумининг охирги йилларида ҳам айрим раҳбарлар, катта-кичик амалдорлар замоннинг ўзгариб бораётганлигини англаб етмадилар. Москванинг топширигини “сўзсиз”

<sup>10</sup> Қараев С. Тартибга солиш вақти келди. – “Ўз АС”, 1990, 24 август.

<sup>11</sup> Вилков А., Хонтўраев Т. Бепарвоникнинг чеки борми? – “Ўз АС”, 1990, 19 январь.

<sup>12</sup> Хайруллаев М. Қадриятларимиз қадри. – “Фан ва турмуш”, 1991, № 1, 4-бет.

бажариш давом этди. М.Султоновнинг “Талон-тарож давом этади”, деб номланган мақоласида Қашқадарё вилояти Яккабог туманининг Терак қишлоғидан топилган 2 хумдаги 3850 донадан иборат 16 кг лик кумуш тангалар туман молия бўлими Н.Каримовнинг буйруғи билан Москвага – Госхранга жўнатилганлиги айтилади. Бухоро вилояти Шоғиркон, Фиждувон туманларида республика маориф вазирлиги томонидан чиқарилган буйруқка асосан ҳар йили ўқувчиларни қадимги мис буюмлар, заргарлик буюмлари йиғишга сафарбар этилгани, Каттақўрғон шахри, Пискент ва Оққўрғон туманларида эса яхудий миллатига мансуб кишилар маҳсус гуруҳларга бўлиниб, шаҳарма-шаҳар ҳалқ бисотидаги зеб-зийнат, камёб буюмлар йиғиб, сўнгра Истроилга жўнатиб турганларни мақолада ўз аксини топган.<sup>13</sup>

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, миллий қадриятлар, миллий-маънавий меросга муносабат ўрганилган даврда ўзгача бўлди. XX асрнинг 80-йиллари бошларида миллий маданий меросга нисбатан империяча муносабат кучли бўлган бўлса, 80-йилларнинг охирларига келиб, бундай муносабат ўзгара бошлади. Диний қадриятлар тиклана бошланганлиги вақтли матбуотда ўз аксини топа бошлади.

Бу даврда Ўзбекистон матбуотида чоп этилган матбуот мақолаларида мустабид тузумнинг моҳияти очиб берилган. Компартиянинг нашрларида совет давлатининг миллий-маданий меросга бўлган империяча муносабати ўз аксини топган. Ҳукмрон коммунистик тазиикларга қарамасдан айrim даврий матбуот органларида миллат ва Ўзбекистон манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқувчи нашр ишлари амалга оширилган.

## **РЕЗЮМЕ**

В этой статье отражены отношения к национальным, духовным и культурным ценностям в период перестройки.

## **RESUME**

The article is about the attitudes to national ideological and cultural traditions in the period of restructuring.

## **ВАМБЕРИ ОГАҲИЙ БИЛАН УЧРАШГАНМИ?**

**Назирова X. ЎЗР ФА  
Шарқшунослик институти кичик  
илмий ходими.**

1863 йили Ўрта Осиёга Рашид афанди номи остида машхур венгер шарқшуноси ва айрим маълумотларга кўра, Англия жосуси<sup>14</sup> Арминий (Херман) Вамбери (1832-1913) келади. Кейинчалик у ушбу саёҳати давомида кўрган, эшитган ва бошидан кечирганларини “Ўрта Осиёга саёҳат” номли китобида қизиқарли тарзда ҳикоя қилган<sup>15</sup>. Кўп қисмини Хива хонлиги ҳақидаги маълумотлар ташкил этувчи бу асар катта илмий аҳамиятга эга. Аммо ушбу мақолада кўзлаган мақсадимиз “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” китобининг қиммати ёки бошқа бирон хусусиятини ёритиш бўлмай, балки ундаги бир маълумотни текшириб, унга аниқлик киритишдир.

Мазкур китобида Арминий Вамбери Хоразмда шеъриятга бўлган катта қизиқиш тўғрисида гапира туриб, шундай ёзади: “Хивада мен икки ака-ука билан танишдим. Бири Мунис бўлиб, у ажойиб шеърлар ёзган; мен уларнинг айримларини кейинчалик нашр қилдирмоқчиман. Иккинчиси Мироб. У улкан сабр билан Мирхонднинг катта тарихий асарини ўғли учун, гарчи ўғлининг ўзи ҳам форс тилидан хабардор бўлса-да, ўзбек-туркий лаҗжасига

<sup>14</sup><http://en.wikipedia.org/w/index.php?oldid=503078896>.

<sup>15</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Москва, 1867; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Москва, 2003.

<sup>13</sup> Султонов М. Талон-тарож давом этади. – “Ўз АС”, 1991, 13 декабрь.

ўгирмоқда. Бу иш 20 йил давом этган, лекин у буни бирон кимса олдида эътироф этишдан уяларди, зеро диний илмлардан бошқаси билан шуғулланиш юзакичилик ҳисобланади”<sup>16</sup>. Кўриниб турганидек, А.Вамбери Мунис хақида ўтган замонда, “Мироб” хақида эса ҳозирги замонда гапирмоқда. 1863 йилда ҳаёт бўлган ва Муниснинг укаси деб аталиши мумкин бўлган битта шахсни биламиз. У ҳам бўлса Мухаммадизо Огахидир. Бундан ташқари, узоқ йиллар давомида Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асари таржимаси билан шуғулланган кишилардан бири ҳам Огахий эканлиги яхши маълум<sup>17</sup>. Хуллас, “Мироб” деганда А.Вамбери айнан Огахийни назарда тутгани шубҳасизга ўхшайди.

Аслида, “Мироб” номи остида айнан Огахий зикр этилганига қарши учта далил келтирилиши мумкин. Биринчидан, яхши маълумки, Огахий Муниснинг укаси эмас, балки жияни бўлган. Иккинчидан, Огахийда ўғил фарзанд бўлмаган. Учинчидан, 1851 йили Огахий бир касаллик туфайли мироблик вазифасидан истеъфога чиқиб, бутун қолган умрини ижодга бағишлигаран, деган фикр хукмрон. Аммо биринчи далил хусусида шуни таъкидлаш лозимки, Хоразмда нафақат туғишган ака-укалар, балки амаки (тоға) ва жиян ёхуд амакиваччаларга нисбатан ҳам ака-ука (оға-ини) атамалари қўлланилаверади<sup>18</sup>.

<sup>16</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Москва, 1867, 290-бет; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Москва, 2003, 255-бет. Китобнинг 2003 йилги таржимаси бевосита аслиятдан, яъни немис тилидан амалга оширилган.

<sup>17</sup> Огахий “Равзат ус-сафо”нинг иккинчи жилдининг амакиси Мунисдан қолган кисмини (1265/1848-1849 йили) ва учинчи жилдини Мухаммадаминхон (1846-1854) буйруғи билан таржима қилишни бошлаган. Аммо учинчи жилд таржимасининг қачон яқунлагани номаълум (қар.: Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani / Ed. in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryaghdi Tashev. Tashkent-Istanbul, 2012, xii бет).

<sup>18</sup> Бундай ҳолнинг XIX аср Хива манбаларида ҳам учраши ҳақида қар.: Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani / Ed. in the original Central

Иккинчи далил шу нарса билан йўққа чиқарилиши мумкинки, гарчи Огахий дарҳақиқат ўғил фарзандга эга бўлмаган эса-да, ўз шогирди Мухаммадяъқуб Хожани ўғлидек кўрган. Мухаммадяъқуб Хожанинг вафотига атаб ёзган марсиясида Огахий ўғли йўқлиги, бирок Мухаммадяъқуб Хожа унга ўғилдек азиз эканлигини таъкидлайди:

Менга даги шогирди дилбанд эди,  
На шогирд, хушхулқ фарзанд эди.  
Эди балки фарзанддин меҳрибон,  
Ки ёдимсиз эрмас эди бир замон...  
Билинтурмас эрди ўғулсизлиқим,  
Ўғулсизлиғ ичра кўнгулсизлиқим<sup>19</sup>.

Огахийнинг тутинган ўғли бўлмиш Мухаммадяъқуб Хожа (ваф. 1870 йил) саройда девон (котиб) вазифасида хизмат қилган ва форс тилидан ҳам хабардор бўлган.

Огахийнинг истеъфоси масаласига келсак, А.Вамбери Хивада бўлган пайтда ҳам Огахийнинг мироб мансабида тургани ҳақида қўйида батафсил тўхталамиз.

А.Вамбери келтирган юкоридаги маълумотга барча ўқувчилар, шу жумладан, Хива хонлиги бўйича икки йирик мутахассис – П.П.Иванов ҳамда Ю.Брегел шубҳа билан қараганлар. П.П.Ивановнинг ёзиича, А.Вамбери Мунис миробни “Мунис ва Миробга, бири шоир, иккинчиси таржимон бўлган «ака-укаларга» ажратган (!)”<sup>20</sup>.

Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryaghdi Tashev. Tashkent-Istanbul, 2012, ii бет.

<sup>19</sup>Мухаммадизо Огахий. Шоҳид ул-иқбол. Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти қўлёзмаси, инв. № С 572, 216<sup>5</sup>-варақ; Мухаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огахий. Шоҳиду-л-иқбол / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Н.Шодмонов. Тошкент, 2009, 263-бет. Яна қар.: Қ.Муниров. Огахийнинг шогирдига атаб ёзган бир марсияси // Шарқшунослик, № 3, Тошкент, 1992, 76-80-бетлар.

<sup>20</sup> Иванов П.П. Хивинские хроники XIX в. Муниса-Агехи как источник по истории туркмен // Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. II: Иранские, бухарские и хивинские источники / Под ред. Струве В.В., Боровкова А.К., Ромаскевича А.А. и Иванова П.П. М.-Л., 1938, 23 б.

П.П.Ивановнинг А.Вамберини нотўғри тушуниб, уни шафқатсиз танқид қилишига сабаб бўлган нарса шуки, у мироб сўзи остида Огаҳий назарда тутилаётганини тушунмаган. Нега А.Вамбери Огаҳийни исми ёки тахаллуси билан тилга олмагани бизга ҳам коронғу.

Ю.Брегел эса “Мироб” унвони остида Огаҳий эслатилганини тадқиқотчилар орасида биринчи бўлиб аниқлагани ҳолда<sup>21</sup>, А.Вамберини сохта маълумот беришда айблаган. Унинг фикрича, А.Вамбери нафақат Мунис билан, балки Огаҳий билан ҳам учрашмаган, улар ҳақида факат эшитганлари асосида маълумот берган<sup>22</sup>. Дарҳақиқат, А.Вамбери Мунис билан шахсан учрашиши мумкин эмас эди, чунки Мунис 1829 йилда вафот этган. Аммо Огаҳий биланчи? А.Вамберининг Огаҳий билан учрашган бўлиши мумкинлигини рад этар экан, Ю.Брегел бунда нимага асосланаётгани ҳақида хеч нарса демайди. Фикримизча, у А.Вамбери шахсиятининг зиддиятли эканлиги, баъзан маълумот беришда етарли

даражада маъбулият ҳис этмаслигидан<sup>23</sup> хабардор бўлган ва шунинг таъсири остида мазкур хulosага келган. Колаверса, Ю.Брегел бу пайтда (1863 йили) Огаҳий мироблик лавозимида ишламаган, деган хulosадан келиб чиқкан бўлса керак. Гап шундаки, юқорида қайд этганимиздек, Огаҳий ҳаёти ва ижодини ўрганган барча мутахассислар Огаҳий 1268/1851 йили мироблик мансабидан кетган ва бу мансабга қайта тайинланмаган деган фикрда муқим туришади. Бу масалага бироз батафсил тўхталишга тўғри келади.

Огаҳийнинг “Жоме ул-вокеоти султоний” номли тарихий асарининг илмий-танқидий матнини тайёрлаган Н.Тошев Огаҳий 1272/1855 йили мироблик мансабига қайта тайинланганини ва умрининг охиригача ушбу мансабда қолганини аниқлади<sup>24</sup>. У буни исботлаш учун келтирган бешта ишонарли далилга қўшимча равишда яна айрим фактларни қайд этиш мумкин. Чунончи, 1864 йилдан кейин ёзилган “Гулшани давлат” ва “Шоҳид ул-иқбол” асарларининг дебочасида Огаҳий одатдагидек ўз исмига мироб сўзини қўшади<sup>25</sup>. Башарти Огаҳий бу асарларини ёзаётган пайтда мироб бўлмаганида эди, ўзини ҳаргиз мироб деб атамаган бўларди. А.Вамбери Огаҳийни “Мироб” номи остида зикр этгани ҳам тасодиф бўлмаса керак.

Вамберининг Огаҳий билан учрашганлиги эҳтимолини оширувчи яна

<sup>21</sup> Ўзбек олимаси Ф.Иброҳимова ҳам худди шу или чоп этган “Венгриялик туркшунос олим” мақолосида (“Хоразм ҳақиқати”, 1988 йил 31 декабрь) А.Вамбери “Мироб” деганда Огаҳийни назарда тутишини ёзган, аммо унинг фикрига қарши ўларок А.Вамберининг “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” китобида “Чигатой грамматикаси” деган бўлимнинг ўзи йўқ. А.Вамберининг бошқа бир асарида (А.Вамбери. Очерки Средней Азии. Москва, 1868) “Ўрта Осиёда адабиёт” номли бўлим бор, бироқ унда Огаҳийнинг шеърларидан намуна келтирилмаган.

<sup>22</sup> Munis Shir Muhammad Mirab and Agahi Muhammad Riza Mirab. Firdaws al-iqbali: History of Khorezm / Ed. by Yu. Bregel. Leiden, New York, Köln, 1988, 36-37-бетлар. “Фирдавс ул-иқбол”нинг кирил ёзувига табдилига ёзилган сўзбошида Ю.Брегелнинг бу фикри такрорланган (Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол (Бахту саодат жаннати) / Араб ёзувидан табдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, И.Бекчанов ва Н.Полвонов. Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи Ш.Воҳидов. Тошкент, 2010, 11-бет.). Аслида ушбу сўзбоши муаллифи асосан Ю.Брегелнинг “Фирдавс ул-иқбол” танқидий матнига ёзган сўзбошисини ўзбек тилига таржима қилиб берган.

<sup>23</sup> Бу ҳақда батафсил қар.: Хайрулла Исматулла. Кўнгиротлик Мулла Исҳоқ излари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998 йил 14 август.

<sup>24</sup> Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami‘ al-vaqī‘at-i sultani / Ed. in the original Central Asian Turkic with an Introduction and Notes by Nouryaghdi Tashev. Tashkent-Istanbul, 2012, ix-х бетлар.

<sup>25</sup> Муҳаммадизо Огаҳий. Шоҳид ул-иқбол. Россия Фанлар академияси Шарқ кўлёзмалари институти кўлёзмаси, инв. № С 572, 2<sup>6</sup>-варак; Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Н.Шодмонов. Тошкент, 2009, 26-бет; Муҳаммадизо Огаҳий. Гулшани давлат. Россия Фанлар академияси Шарқ кўлёзмалари институти кўлёзмаси, инв. № Е 6, 526<sup>a</sup>-варак.

бир ҳолга ўқувчилар диққатини тортамиз. А.Вамберининг Туркистонга саёҳат қилишдан кўзлаган мақсадларидан бири – мажор (венгер) тилининг туркий тиллар билан алоқасини ўрганиш эди. Шу ва бошқа сабабларга кўра, у Ўрта Осиё шаҳарларида, хусусан, Хивада зиёлилар билан учрашиб, сухбатлашишга интилган. Бу нарса “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” китобидан ҳам кўриниб туради. Хива хонлигининг энг кўзга кўринган зиёлиси бўлмиш Огаҳий ҳақида А.Вамберининг эшитмай қолиши, у билан учрашишга ҳаракат қиласлиги эҳтимолдан анча узоқ.

Хулоса қиладиган бўлсак, Арминий Вамбери Огаҳий билан учрашган. Юрий Брегел эса Огаҳийнинг қайта мироб бўлиб тайинланганидан бехабар бўлгани сабабли А.Вамберининг мазкур гапига ишонмай, уни асоссиз равишда нотўғри маълумот беришда айبلاغан.

### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье обсуждается вопрос о том, имели ли место встречи известного востоковеда и путешественника Арминия Вамбери с Мухаммад-Риза Агахи, во время пребывания Арминия Вамбери в Хиве в 1863 году. Сам А.Вамбери в своей книге «Путешествие по Средней Азии» писал, что он познакомился с Агахи, называя его при этом не по имени или поэтическому псевдониму, а Мирабом. Исследователи, включая П.П.Иванова и Ю.Брегеля, подвергают эту информацию серьезному сомнению. Однако, как показано в статье, многие факты свидетельствуют о реальности такой встречи.

### **RESUME**

The following article explores the question of whether a meeting took place between the well-known orientalist and traveler Ármin Vámbéry, and Muhammed-Riza Agahi during Vámbéry's visit to Khiva in 1863. In his book, "Travel in Central Asia," Vámbéry wrote of his meeting with Agahi, but did not refer to Agahi using his real name or his pen-name. Instead Vámbéry called him "Mirab." Historians P.P.Ivanov and Yu. Bregel have cast serious doubt on the possibility that this meeting took place. However as this article demonstrates, many other factors support its likelihood.

## **XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР**

**Ражабова З. ЎзМУ с.т.и.**

Хоразм воҳасидаги антик ва ўрта аср ёдгорликлари тўғрисидаги кенгроқ маълумотлар XIX аср иккинчи ярмидаги тарихий адабиётларда учрайди. 1863 йилда венгр шарқшунос олими А.Вамбери Хива хонлигига келиб, Амударё бўйлаб юриб, Гаурқалъанинг географик ўрни, режалаштирилиши, баланд девор ва буржлари тўғрисида кенг маълумот беради<sup>1</sup>, лекин қалъанинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини илмий асосда таҳлил қилиш эътибордан қолиб кетган.

Россия томонидан Хива хонлиги босиб олингандан кейинги даврда рус тарихчилари, географлари, тупроқшунослари ўз асарларида Хоразм воҳасида ёдгорликларнинг умумий тузилиши, режалаштирилиши, географик ўрни тўғрисида батафсил баён қиладилар.

Жумладан, А.Л.Кун Норинжон қалъя, Тупроққалъя, Қизилқалъя каби ёдгорликларнинг жойлашиши, сақланиб қолган девор ва буржлари тўғрисида маълумот беради.<sup>2</sup>

М.И.Иванин асарларида Аёзқалъя, Думонқалъя, Катта Гулдуурсин харобаларининг сақланиб қолган қалин мудофаа деворлари ҳақида батафсил ёритилган.<sup>3</sup> Геолог Н.Барбот де Марни Султон Увайс тоғини текшириш жараёнида Ямпиққалъя (Жанпиққалъя) девор ва унинг буржлари тўғрисида маълумот беради.<sup>4</sup> А.Е.Россикова Жанпиққалъя, Султон Увайс тоғидаги

<sup>1</sup> Вамбери А. Очерки Средней Азии. М., 1968

<sup>2</sup> Каримова А. Деятельность ориенталиста А.Л. Куна в Туркистане в 1868-1881 гг. Сб. студенческих работ САГУ. Т., История, вып. № 15, 1936, с 24.

<sup>3</sup> Иванин М.И. Хива и река Амударья. Спб.1873 с. 37-39

<sup>4</sup> Барбот Де Марни.Н-П. О геологических исследованиях в Амударьинском крае. Зрго т-9, вып-л. Спб, 1975 с 114-115.

Гаурқалъя, Чилпиқнинг баланд деворлари ва унинг буржлари тўғрисида кенг маълумот беради.<sup>5</sup>

А.И.Герасимовский ўз асарида Катта Гулдурсун, Қизилқалъанинг баланд девор ва буржларини қайд этган.<sup>6</sup> Н.А.Димо Амударё хавзасининг тупроқ тузилишини текшириш жараёнида Эресқалъя, Аёзқалъя-1,2,3, Қизилқалъалар тўғрисида маълумот берган.<sup>7</sup>

Хоразм худудида археологик тадқиқотлар XX асрнинг 20 – йилларидан бошланган эди. 1928-1929 йилларда А.Ю.Якубовский раҳбарлигидаги археологик гурӯҳ Кўхна Урганч ва Миздаҳқанда археологик қазиш ишларини олиб борди, натижада илк ва ривожланган ўрта асрларнинг йирик шаҳарлари, Хоразмшоҳлар давлати пойтахтлари бўлган Кўхна Урганч, Миздаҳқан қалъалари тарихига оид ноёб ашёлар олишга муваффақ бўлди.<sup>8</sup> Лекин бу тадқиқотлар давомида шаҳарларнинг топографик тузилиши ва мудофаа тизими маҳсус илмий асосда ҳамда етарли даражада тадқиқ қилинмаган эди. Шуни айтиш жоизки, илк ва ривожланган ўрта асрларда Кўхна Урганч, Миздаҳқан мураккаб мудофаа тизимиға эга бўлган. 1934 йилда илк ўрта аср ёдгорлиги Замахшарда М.В. Воеводский тадқиқот ишларини олиб борди.

Шундай қилиб, бу тарихий даврда Хоразм воҳасида кўпроқ илк ва ривожланган ўрта асрлар ёдгорликлари тўғрисида кенг маълумотлар тўпланган эди. Юқорида қайд этилган илк ўрта аср қалъалари пастки маданий қатлами антик даврга оид эканлигига сайёҳлар, ҳарбийлар эътибор бермаганлар. Афсуски, бу даврда тарихий обидаларда

изчилил, илмийликка асосланган археологик тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шу жиҳатдан Хоразмнинг қадимги давр ёдгорликларининг вужудга келиши ва ривожланиши даврлари тарихини ёритадиган манбага эга эмасмиз. Тарихий обидаларни рўйхатга олиш ва уларда изчилил тадқиқотларни олиб бориши мақсад қилиб олган археологик гурӯҳ ва доимо харакат қилувчи экспедицияларнинг фаолияти билан характерланади. Бу даврда қадимги ва ўрта асрлар қалъаларини ўрганиш соҳасида дастлабки ижобий кадамлар ташланади. Хоразмнинг қадимги даврига оид қалъалари тўғрисида дастлабки маълумотлар тўпланди, лекин уларда археологик тадқиқотлар олиб борилмаган. Асосан ўрта асрларга оид қалъаларда археологик қазиш ишлари олиб борилган холос.

Хоразм воҳасида тарихий обидаларни ҳар томондан чуқур илмий асосда ўрганиш ишлари 1936 йилда Хоразм археология-этнография экспедициясининг ташкил этилиши муносабати билан фаоллашди. 1936-1937 йилларда Я.Ф.Фуломов, Р.Набиев, Норинжонбобо ва Гулдурсин қалъалаларида археологик қазиш ишларини олиб бориб, ўрта асрга оид ашёларга эга бўлганлар.<sup>1</sup> Геолог А.Д.Архангельский Хоразмнинг қадимги сугорилган худудида жойлашган Жонбосқалъя, Ангкақалъя, Эресқалъя, Кўргошинқалъя, Тупрокқалъя, Қизилқалъя, Қаватқалъя, Базарқалъя, Гулдурсин қалъалари тўғрисида маълумот бериб, уларни харитага жойлаштирган, лекин археологик тадқиқот ишларини олиб бормаган.<sup>2</sup>

1937 йилдан А.И.Тереножкин Амударёнинг ўнг қирғоғида (Акчадарё ҳавзасида) археологик қидирув ишларини олиб бориши натижасида қадимги ва ўрта

<sup>5</sup> Россикова А.Е.По Амударье от Петро-Александровска до Нукуса. //Исторический вестник //. Т.28. Спб 1902 с 641-643.

<sup>6</sup> Герасимовский А.М. Древности Хивы и Амударынскии отдель.//Исторический вестник //. Спб. – 1909., с. 971-973.

<sup>7</sup> Димо Н.А. Почвенные исследования в бассейне Р. Амудары. //Ежегодник отдела Земельных улучшений за 1913//, ч-2, Спб 1914 с

<sup>8</sup> Якубовский А.Ю. Развалины Ургенча. Л. 1930

<sup>1</sup> Фуломов. Я. Ф. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. – Т., “Фан”, 1959.

<sup>2</sup> Архангельский А.Д.Геологические исследования в Низовьях Амудары. Труды главного геологического управления ВСНХ вып. № 12. Л. 1931, с.72-109

асрлар даврига оид бўлган Кат, Аёзқалъа - 1, 2, 3, Қумбосганқалъа, Бургутқалъа, Уйқалъа, Улли-Гулдурсин, Кичик-Гулдурсин, Думанқалъа, Тешикқалъаларни харитага жойлаштириди ва Бургутқалъа ва Тешикқалъада археологик қазиш ишларини олиб бориши натижасида милодий V-VIII асрларга оид ашёлар олинган. Афсуски бу қалъалар комплекс равища тўла – тўкис ўрганилмаган.<sup>3</sup>

Е.А.Ершов Жанубий Хоразм худудидаги Дарғон қалъасини кўздан кечириб, унинг режасини ишлаб чиқди ва юқори қатламдаги қурилиш даврини XI-XIII аср билан белгилади.<sup>4</sup> Лекин ёдгорликда археологик тадқиқотлар қуий қатламгача олиб борилмаганлиги сабабли ёдгорликнинг антик даврга оид қатлами очилмай қолди.

Шундай қилиб, Хоразм воҳасида XIX аср охири – XX аср бошларида ёкаксарият ёдгорликлар тўғрисида кенг назарий маълумотлар тўплланган бўлиб, аммо, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи археологик жиҳатидан ўрганилмаган эди. Мазкур ёдгорликларнинг пастки маданий қатлами қадимги даврга оид эканлигига рус тарихчилари, географлари, сайёҳлари, ҳарбийлар эътибор бермаганлар. Афсуски, бу давларда тарихий обидаларда изчил, илмийликка асосланган комплекс археологик тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин бўлган археологик экспедициялар ташкил қилинмаган. Тарихий обидаларда археологик қазиш ишларини олиб борган археологик групкаларда илмий йўналишига асосланган доимий равища тадқиқотлар мақсад қилиб олинмаган. Хоразм воҳасида фаолият олиб борган археологик групкалар факат тарихий обидаларни рўйхатга олиш ва уларнинг юқори қисми маданий қатламлари ўрганилган холос. XX асрнинг 30 йиллар

ўрталаридан бошлаб, Хоразм воҳаси қишлоқ ва шаҳарларининг вужудга келиши, шаклланиши, ривожланиши ва мудофаа мажмуасини илмий асосда ўрганишни мақсад қилиб олган археологик груп ва археологик экспедициялар ташкил этилди. Бу айниқса С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедициясининг ташкил этилиши ва унинг ходимларининг Хоразм воҳасидаги тарихий обидаларини ҳар томонлама илмий асосда ўрганиш ишларини бошлаб юборишилари муносабати билан фаоллашди.

### **РЕЗЮМЕ**

В статье приведены данные об археологических исследований проведенные в 20-30 гг. XX века в Хорезме.

### **RESUME**

The article is about the people who made archeological researches in the 20-30 years of XX century and also the places in which part of Khorezm region these excavations were made

<sup>3</sup> Тереножкин А.И. Археологические разведки в Хорезме. С.А. № 6. М. Наука 1940, с. 176-177

<sup>4</sup> Ершов Е.А. Археологические памятники левого берега Амударыи. ВДИ №1.М. Наука. 1941, с .91.

## ИКТИСОД

### **РИСКИ «ГОЛЛАНДСКОЙ БОЛЕЗНИ»: ПУТИ ПРЕОДОЛЕНИЯ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА**

**Абдуллаев Р.Р.**  
**М.н.с., Институт прогнозирования и макроэкономических исследований**

Экономический термин «Голландская болезнь» появился в конце 50-х – в начале 60-х годов, после открытия Голландией гигантского месторождения природного газа на севере Нидерландов (Гронинген, 1959 г.). Одним из главных симптомов негативных эффектов «Голландской болезни» это – укрепление или рост реального курса национальной валюты, что понижает конкурентоспособность товаров и приводит к снижению экспорта. По требованиям рыночного равновесия богатые ресурсами развивающиеся страны вынуждены выбирать путь сырьевой специализации. В ряде таких развивающихся стран, выбравших такой путь развития, ориентируясь на экспорте энергетических сырьевых ресурсов, входит Россия и Казахстан.

**Опыт России.** О синдроме «Голландской болезни», поразившей российскую экономику, специалисты заговорили уже несколько лет назад. Впервые о возможности ее возникновения заявил еще в 2000 году министерство экономического развития и торговли.

Известно, что при действующей модели развития за десять предкризисных лет, Россия совершила огромный рывок вперед: физический объем ВВП за это время увеличился на 90%, промышленность – на 80%, сельское хозяйство – почти на 50%, инвестиции выросли в 2,8 раза, реальные доходы на душу населения – в 2,3 раза, уровень безработицы снизился более чем вдвое – с 13% в 1998 г. до 5,7% в 2007 г.

Но дело в том, что социально-экономический рост за эти десять лет наполовину был связан с повышением экспортных цен на нефть, газ, металлы, другие виды сырья, полупромышленные и материалы, составляющие около 90% экспорта России. Например, в 2003 г. когда цены на нефть подскочили на дополнительные 10 долларов за баррель, прирост ВВП с 4,7% в 2002 г., выросло до 7,3% в 2003 г., а промышленность – с 3,7 до 7,0%. Последние тенденции мирового развития и опыт продвинутых развивающихся стран показывают, что в новых посткризисных условиях такая модель экономического развития неэффективна и не может обеспечить устойчивость роста экономики. Текущее состояние российской экономики вынуждает экспертов искать новые векторы социально-экономического развития, о чём свидетельствует рассматриваемая российскими экспертами, в настоящее время, стратегия 2020.

**Опыт Казахстана.** На протяжении последнего десятилетия экономика Казахстана росла высокими темпами (в среднем 9-10% в год) благодаря масштабному увеличению добычи и экспорта природных ископаемых, а также развитому финансовому сектору страны. По статистике средняя доля внутреннего потребления нефти и газового конденсата от общего объема их производства за период с 2000 по 2010 г. составила 22%, а доля общего экспорта – 85%. И это уже подтверждает, что экономика Казахстана обретает синдром голландской болезни. Если в 2002-2005 гг. средняя цена барреля нефти составляла 36,1 долл. США, то в 2006-2007 гг. эта цифра достигла 68,9 долл. США. Более того, если в первом указанном периоде Казахстана в среднем экспорттировал 40 млн. тонн нефти и газового конденсата в год, то во втором объем экспорта возрос до 55 млн. тонн. В результате объем экспортной выручки оказался чрезмерно высоким относительно возможностей экономической системы эффективно ее


использовать. Чтобы предотвратить сырьевую направленность экономики Казахстан предпринял программу индустриально-инновационного развития, нацеленную на развитие таких секторов как транспорт, фармацевтические препараты, телекоммуникации, нефтехимические вещества и пищевая промышленность. Но в структуре экспорта страны доля нефти все равно остается огромной.

Кроме того, современные исследования подчеркивают, что слабый уровень эффективности потребления энергоресурсов является одним из симптомов «Голландской болезни». Недавняя работа (J.Stanford<sup>26</sup>, 2012) также подвергает этот факт. Поэтому в данном случае мы будем рассматривать этот вопрос в контексте энергоемкости ВВП.

#### **Проблемы энергоемкости.**

Узбекистан по показателю энергоэффективности ВВП среди стран СНГ занимает одним из последних мест, что на единицу ВВП затрачивается больше энергии. После обретения независимости в периоде спада экономики (1991-1995 гг.) Узбекистан затрачивал для создания дополнительной единицы ВВП в среднем 1,26 кг. нефтяного эквивалента энергии (см. рис.1). За 2009 год энергоемкость ВВП по сравнению с 1990 годом сократилась более чем на 40% и составил 0,67 единиц энергии. Это может казаться довольно положительным сдвигом, однако по сравнению с Россией и Казахстаном энергоресурсы затрачиваются в Узбекистане в 2 раза больше. Если сравнить энергоемкость среднемировым уровнем, тогда ситуация становится еще хуже. За 1991-2009 гг. среднемировой уровень энергоемкости ВВП снизился на 25% и за 2009 г. составлял 0,18 единиц энергии. Показатель энергоемкости ВВП в 2009 году Узбекистана превышают среднемировой уровня почти в 4 раза.

**Рис.1. Энергоёмкость ВВП мира и отдельных стран СНГ за 1990-2009 гг.**



**Источник:** Расчет автора по данным Всемирного Банка (<http://web.worldbank.org>)

Причинами высокой энергоемкости ВВП являются:

- высокий уровень моральной и физической изношенности производственных мощностей (среднем по промышленности износ основных фондов составляет 40-50%, а по некоторым отраслям даже выше);
- значительная доля первичных энергоресурсов в структуре экспорта;
- высокий уровень потребления энергоресурсов населением страны (36%) и низкие цен на энергоресурсы на внутреннем рынке;
- низкий уровень культуры использования энергоресурсов населением так и производителями.


Для предотвращения вышеуказанных проблем государством принимаются различные меры для повышения энергоэффективности. Проводится работа по замене морально-устаревших и неэкономичных оборудований на современные оборудование с высоким коэффициентом полезного действия, отвечающие современным требованиям. Также производятся энергосберегающие лампы, обеспечивающие снижения энергопотребления как для населения, так и для производителей.

Помимо фактора энергоемкости экономики, свидетельствующего о проявлении «Голландской болезни» следует учесть и провести сравнительный

<sup>26</sup> Jim Stanford, "A Cure for Dutch Disease: Active Sector Strategies for Canada's Economy", 2012.

анализ структуры экспорта. Как видно, из рисунка 2, доля энергоресурсов в экспорте России и Казахстана составляет около 70%. В Узбекистане этот показатель составляет около 25%, или же почти в три раза меньше чем этих стран. Поэтому можно с уверенностью сказать, что экономика Узбекистана не подвержена влиянию этой болезни.

**Рис.2. Доля энергетических ресурсов в экспорте стран России, Казахстана и Узбекистана за 2008-2010 гг. (в % от всего экспорта)**



**Источник:** Статистические ежегодники России, Казахстана и Узбекистана.

По результатам исследования можно сделать вывод, что одним из симптомов "Голландской болезни" является высокий уровень энергоемкости ВВП и неуправимый рост доли сырьевых-энергетических ресурсов в структуре экспортного. Именно такое сочетание может привести к необоснованному росту реального обменного курса национальной валюты.

В условиях Узбекистана в целях формирования эффективной структуры экономики необходимо ускорить процессы диверсификации структуры экспортного, усилить меры по перераспределению инвестиционных потоков в перерабатывающие отрасли производящие готовые продукцию с высокой добавленной стоимостью. Необходимо выработать меры по ориентации на международные стандарты в использовании энергетических ресурсов для экономики.

### Список литературы

- Каримов И. "Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса", Ташкент: "Узбекистан", 1997 с. – 218-270
- Выступление Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на открытии международной конференции "Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения - как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны", 17.02.2012 г.
- Узбекистан – природа, население, экономика. Т.: ГНИ «Узбекистон миллий энциклопедияси», 2009, 6-36 стр.
- Сайдова Г. Формула экономического роста. 2006, [http://mfa.uz/rus/pressa\\_i\\_media\\_servis](http://mfa.uz/rus/pressa_i_media_servis)
- Полтерович В., Попов В., Тонис А. Механизмы «ресурсного проклятия» и экономическая политика. – Вопросы экономики, 2007, №6, с. 4-27
- О.Забелина. Российская специфика «Голландской болезни». – Вопросы экономики, 2004, №11, с. 60-75

### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола миллий иқтисодиётимизда "Голланд касаллиги" синдроми пайдо бўлиш оқибатларини олдини олиш, шунингдек мамлакатнинг узоқ муддатли баркарор иқтисодий ўсишини таъминлаш учун нефт, газ маҳсулотлари ва бошқа минерал хом-ашё ресурслари экспортига боғлиқлигини бартараф этишга каратилган. Маколада голланд касаллиги синдроми мавжуд мамлакатлар тажрибалари ўрганилган.

### RESUME

The purpose of the article is to contribute to discussion of the exclusion of the syndrome of "Dutch disease" in the national economy, also elimination of the dependency of sustainable economic growth in the long term from oil, gas and other raw materials exports. This paper studies experiences of Russia and Kazakhstan which have observed the features of dutch disease.

### САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ ИННОВАЦИЯЛАРИНИ ЖОРӢӢ ҶИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ПАРАДИГМАЛАРИ

**Джуманиязов У.И. ТТЕСИ с.т.и.**

Бошқарув инновацияларини жорӣ ҷилишнинг муҳим кўриниши рационалистик парадигма бўлиб,

мазкур парадигма доирасида ҳар қандай фаолият рационаллик меъёрлари нуктаи назаридан кўриб чиқилади. Ҳар қандай ҳаракатдан аввал уларни эришиш мақсадларини шакллантириш, шароитлари, усуллари ва воситаларини ҳисобга олиш ишлари амалга оширилади, деб ҳисобланади. Индивидлар фаолияти ва унинг натижалари мавжуд эҳтиёжни қондириши лозим бўлган мақсад ва воситаларни танлашга боғлиқ. Шу сабабли кўпчилик мутахассислар фикрига кўра, agar индивидумга инновация олдинга қўйилган мақсадларга эришишга хизмат қилиши исботланса, у мазкур янгиликни жорий қилиш ҳакида автоматик равишда қарор қабул қиласи. Буларнинг барчаси мазкур йўналишида олиб борилаётган ишларнинг салмоқли қисми нега корхоналар раҳбарларининг манфаатларини аниқлаш, уларга ишлаб чиқилаётган янгиликлар афзаликларини етказиш усул ва йўлларини излашга қаратилишини изоҳлайди.<sup>27</sup>

Бошқарув инновацияларини жорий қилиш ташкилий механизмига келсак, у ташкилотнинг “рационал моделига” тўлиқ мос бўлишига асосланади, бу моделга кўра иерархик тарзда ташкил топган бошқарув тизимида белгиланган мақсадларга эришиш воситаси, ишнинг маълум бир турларида функцияларни бўлиш ва уларнг ихтисослашувидан иборат. Демак, янгиликни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш босқичлари кетма-кет равишда турли ташкилий бўлинмалар томонидан амалга оширилади. Стратегик рационаллик, моҳиятнан, корхона томонидан тўғри қарор қабул қилиш масаласидир, ва у тизимли равишда ягона ҳаракат қилувчи шахс сифатида қабул қилинади. Қарорни оптималлаштириш мақсадлар белгиланган, стратегик муқобил йўллар тартибга солинган уларнинг ташқи муҳитдаги ҳар қандай аҳволига турли вариантлари ва

оқибатларига баҳо берилгандан кейингина амалга оширилади.<sup>28</sup>

Бу иродали қарор қабул қилиш ва авторитар бошқарув йўлидир. Бундай бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари қуидагилардан иборат:

- бошқариладиган обьектлар учун юқори органлар кўрсатмалари, фармойишлари, буйруқ ва бошқа маъмурий қарорларини ижро этишга мажбурий эканлиги;

- буйруқ ва фармойишларни бажармаганлик учун қатъий белгиланган жавобгарлик;

- хато қарорлар қабул қилиш, қабул қилинган қарорларни бажариш тезкорлиги учун шахсий жавобгарлик.<sup>29</sup>

Бундай ёндашув доирасида бошқарув инновацияларини жорий қилиш жараёни қуидагиларни назарда тутади:

1. Бошқарув янгиликларини қўллашда аниқ-равshan мақсад ва вазифаларни шакллантириш;

2. Турли бўлинмалар ва мутасадди шахслар ўтасида мақсадларга эришиш бўйича мажбуриятларни тақсимлаш;

3. Олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш даражасига ундовчи ижро стандартларини (кўрсаткичларини) ишлаб чиқиш;

4. Мазкур стандартлар ёрдамида бошқарув янгиликларини жорий қилиш жараёнини назорат қилиш.<sup>30</sup>

Жорий қилишдаги муваффақият-сизликларни уларнинг тарафдошлари кўпинча “ёмон бошқарув”, режалаштиришда ва, энг асосийси, жорий қилиш устидан назоратдаги нуқсонлар ва

<sup>28</sup> Шрайэг Г. Тенденции и перспективы развития стратегического менеджмента/ Проблемы теории и практики управления. — 2000. - №5. - С. 93 - 98.

<sup>29</sup> Информационное общество: Информационные войны. Информационное управление. Информационная безопасность / Под ред. М. А. Вуса. - СПб.: Издательство С. - Петербургского университета, 1999. - 212 с.

<sup>30</sup> Ушанов Ю.А. Управленческие нововведения в США: проблема внедрения/ Ю.А. Ушанов; под. ред. к.э.н. Ю.А. Ушанова. - М.: Изд-во «Наука», 1986.-246 с.

<sup>27</sup> Ушанов Ю.А. Управленческие нововведения в США: проблема внедрения/ - М.: Изд-во «Наука», 1986 с.-246 с.

хатолар билан тушунтирадилар. Янгилик киритишдаги вужудга келадиган ўзгаришларга ҳар қандай қаршилик кўрсатиш, жазолаш таҳликаси билан бартараф килинади (ишдан бўшатиш, ресурслардан ажратиб қўйиш, расмий бўлмаган гурухлар етакчиларини чеклаш ва х.). Ходимларни янгиликлардан фойдаланишда рағбатлантирувчи усуллар ҳам қўлланилади, аммо ишни рағбатлагандан кўра, янгиликка қаршилик кўрсатиш учун жазо қўпроқ қўлланилади.<sup>31</sup> Мазкур ёндашув доирасида бошқарув янгилигини киритиш мажбурий характерга эга. Шу тарзда, рационалистик ёндашув доирасида жорий қилишда алоҳида муаммо йўқ, фақат карор қабул қилишнинг маълум тартиб-коидаларига амал қилиш, ҳокимият воситаларидан фойдаланиш ва раҳбар томонидан қатъий назорат қилишнинг ўзи етарли деган хуоса чиқариш мумкин.

Аммо бундай парадигма аллақачон икки йўналишда танқид қилинмоқда. Бирида – изоляция қилинган ҳаракат ва мураккаб тизимлар доирасидаги ҳаракат ўртасидаги фарқقا эътибордан четда қолганлиги, яъни тизимли бошқарув бир шахс муаммоси сифатида қабул қилиниб, айни пайтда унинг ижросини шакллантириш ва амалга ошириш билан чекланаётгани таъкидланмоқда. Корхона мураккаб тизимdir, унинг элементлари турлича ўзаро боғлиқ (А.Фон Берталанфи тизимни “ўзаро ҳаракат қилувчи қисмлар мажмуи”<sup>32</sup> ёки “ўзаро ва муҳит билан маълум билан муносабатда бўлган элементлар йиғиндиси”, деб таърифлаган)<sup>33</sup>.

<sup>31</sup> Ушанов Ю.А. Управленческие нововведения в США: проблема внедрения/ Ю.А. Ушанов; под. ред. к.э.н. Ю.А. Ушанова. - М.: Изд-во «Наука», 1986.-246 с.

<sup>32</sup> Берталанфи А. История и статус общей теории систем/ А. Берталанфи // Системные исследования: Ежегодник, 1978. - М.: Наука, 1973. - С. 20 - 37.

<sup>33</sup> Исследования по общей теории систем: Сб. переводов / под ред. В. Н. Садовского и Э. Г. Юдипа. - М.: Прогресс, 1969. - 520 с.

Айни пайтда, мажбурий янгилик киритиш иштирокчилари манфаатлари ва мотивларини, мажбурий инновацияга қаршилик кўрсатишнинг барча сабаб ва манбаларини аввалдан таҳлил қилиб бўлмайди. Шу сабабли қаттиқ маъмурӣ чора-тадбирлар таъсири остида бундай лойиҳалар жуда жадал бошланади, лекин кўпчилиги муваффақиятли якунланмайди. Нафақат янгиликнинг мазмунини, балки бошқарув инновацияларини жорий қилиш муддатларини ўзгариши мүқаррар бўлган низоларнинг вужудга келиш эҳтимоли юқори бўлади.

**Муомала парадигмаси.** Мазкур парадигма доирасида ташкилот “табиий модел” нуқтаи назаридан фаолияти давомида ўз аъзоларининг иш бажаришда, уларга алоқадор қарорлар қабул қилишда, ташкилот мақсадларига содикликда автономия эга бўлишга психологик эҳтиёжларини қондирувчи ўз-ўзини ривожлантирувчи тизим сифатида қабул қилинади<sup>34</sup>. Корхонага бундай ёндашув муаллифлари Э.Мэйо, Ф.Ретлисбергер, Ч.Бернард, Ф.Селзник, А.Гастев, О.Ерманский, Н.Витке, П.Керженцев ва бошқалар. Марказий объект жамоадаги шахс, яъни замонавий ишлаб чиқаришни усиз тасаввур қилиб бўлмайдиган, мулоқот, ўзаро ҳаракат, кооперация субъектидир. Мазкур ёндашув доирасида инсоннинг бошқа одамлар билан ўзаро алоқасидаги ҳулқи, аввало, унинг мулоқот қилиш, меҳнат жамоасида иштирок этишидаги ҳулқи ўрганилади.<sup>35</sup> Шу сабабли “табиий модель” қарор қабул қилишда марказлашувдан чекиниш, кичик гурухларда уюшган фаолият юритиш, уларда ташкилот мақсадлари ва кутилаётган ўзгаришларни кенг муҳокама

<sup>34</sup> Ушанов Ю.А. Управленческие нововведения в США: проблема внедрения/ Ю.А. Ушанов; под. ред. к.э.н. Ю.А. Ушанова. - М.: Изд-во «Наука», 1986.-246 с.

<sup>35</sup> Информационное общество: Информационные войны. Информационное управление. Информационная безопасность / Под ред. М. А. Вуса. - СПб.: Издательство С. - Петербургского университета, 1999. - 212 с.

қилишни назарда тутади. Раҳбарлик қилишнинг норасмий механизmlаридан фойдаланиш, ишчининг маълум автономиясига ургу берилади. Э.Майо тажрибали раҳбар доимо ҳар бир ишчининг ўзига хослигини тан олади – ишчига меҳнатни рағбатлантириш бўйича муайян дастур ёқмаслиги мумкин, у турли ўзгаришларга қаршилик кўрсатиши мумкин, лекин барчаси уни эътироф этишлари ва шахс каби мурожаат қилишларини хоҳлайди,<sup>36</sup> деб ҳисоблаган. АҚШда мазкур йўналишдаги энг илғор тадқиқотчилардан бири У.Беннис фикрича, “гурухлар ва индивидларнинг руҳий ва ижтимоий эҳтиёжларини нафақат инсонпарвар, демократик, балки энг самарали ташкилотлар ҳисобга оладилар”.

Мазкур парадигма доирасида бошқарув инновацияларини жорий қилишнинг асл муаммолари формал ечимлар чегарасидан ортида, ташкилотниинг ижтимоий тизими остига илдиз отган ва доим ҳам бундай ўзгаришларнинг яшашига йўл бермайди, деб ҳисобланади. Бу аввало, ҳар қандай ижтимоий тизимости уни тасодифий ва конъюнктурали йўқотишлардан, нотўғри хўжалик қарорларидан сақловчи инерцион ҳусусиятга эга эканлиги билан изоҳланади.<sup>37</sup> Шу сабабли, БНни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш тақсимланган ва турли бўлинмалар томонидан амалга ошириладиган рационалистик ёндашувдан фарқли ўлароқ, хулқ парадигмасида инновация жараёнининг иккала босқичи ҳам параллел равишда кечади ва янгилик муаллифлари ва фойдаланувчилар томонидан биргаликда амалга оширилади. Бу каби қоида “табиий моделнинг” гурухлар ва индивид муомаласи (индивидуал мотивация, янгиликка содиқлик, ташкилий ўзаро ҳаракат ва ўзаро қўллаб-қувватлаш)

раҳбариятнинг бевосита назоратидан четда, шу сабабли фойдаланувчилар хулқини иерархик тарҳда назорат қилиш самараси паст, деган сабабидан келиб чиқади. Шу муносабат билан раҳбарият муаллифлар ва фойдаланувчилар ўртасида кооперацияни таъминлашга ва ходимларда турли ташкилий ривожланишнинг турли усуллари орқали янгиликларга таъсиранлигини юксалтиришга интилади<sup>38</sup>. Асосий ғоя ўз иштироки билан яратилган янгиликка қарши чиқувчилар кам бўлади, деган фикрдан иборат. Айни пайтда жорий қилиш харажатлари паст, чунки барча ишни ижрочиларнинг ўзлари ва ўзлари учун қиладилар. Бу ерда таваккалчилик деярли нолга тенг – ўйланган барча нарсалар жорий қилинади. Ходимлар ҳам ғоят хурсанд – корхонадаги ижодий муҳит қудратли рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қиласди. Айни пайтда юқори бўғиннинг бу вазиятдаги ўрни кулаг инновация муҳитини яратиш эмас, янгиликни “проекция қилиш”дан иборат бўлади. Инновациялар ҳам алоҳида иш ўринларида, нари борса – алоҳида бўлинмаларида жорий қилинади.

Бошқарув инновацияларини жорий қилишнинг муомала парадигмаси “инсон омили”ни ҳисобга олиш аҳамиятига дикқат тортишига қарамасдан, унинг амалий рӯёбга чиқарилиши кўп ҳолларда хатолик ва муваффақиятсизликларга олиб келади. Аввало, улар катта давлат корхоналари (муассасалари) ва йирик ҳусусий компанияларда бошқарув инновацияларини жорий қилишда намоён бўлади. Мазкур ёндашувнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши ташкилий анархиянинг юзага келиши, бошқарувнинг янги усулларига ўтишда масъулиятнинг сусайиши, муаллиф томонидан фойдаланувчи талабларига бир томонлама ён бериши натижасида янгиликнинг қадрсизланиши хавфига эга.

<sup>36</sup> Mayo E. The Human Problems of an Industrial Civilization / E. Mayo. - L., 1949.

<sup>37</sup> Кузьмин С. Защитные механизмы социальной системы и их использование в правлении экономическими процессами / Экономист. - №12.

<sup>38</sup> Ушанов Ю.А. Управленческие нововведения в США: проблема внедрения / - М.: Изд-во «Наука», 1986.-246 с.

### **Ижтимоий-иқтисодий парадигма.**

“Инновация” иқтисодий тушунча бўлгани сабабли, ҳар қандай янгилик қандайдир ижтимоий эҳтиёжни қондиришга қаратилиши лозим. А.Пригожиннинг фикрича, айнан ижтимоий эҳтиёжлар даражаси ва характеристери, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муайян тенденция ва йўналишлари янгилик киритиш борасидаги ишлар йўналиши ва муваффақиятини белгилайди<sup>39</sup>.

Бундан ташқари, иккита ёндашув мавжуд бўлиб, бирининг замирида янгилик, жумладан бошқарувга доир янгилик, барча манфаатдор томонларнинг уюшган ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлари, тизимли ва оқилона ишлар билан қўллаб-қувватланганда, жорий қилишни бошқариш яхши ташкил этилган тақдирда муваффақиятли кечиши мумкин. Инновациялар гуллаб-яшнаши учун қўллаб-қувватловчи ва ташкилий муҳит керак бўлади. Бу ўз ичига ҳаракатларнинг очиқлиги, эркинлиги, ҳамкорлик, мотивация ва мос келувчи қулай имкониятлар ва манбаларни излаб топиш қобилиятини ўз ичига олади. Шу тарзда, бошқарув инновацияси даражасига менежерларнинг шахсий сифатлари ва атроф-муҳитнинг ижтимоийлигидан кўпроқ ташкилий жиҳатлар ва муҳит катта таъсир кўрсатади.<sup>40</sup>

Иккинчи ёндашув бошқарув инновацияларини амалга ошириш борасидаги ишларни ташкил этиш даражаси умуман олганда сезиларли даражада бошқарув персоналининг малакавий кўрсаткичларига, кадрларни оқилона жойлаштиришга боғлиқ деган қоидага асосланади. Ишлаб чиқаришни

бошқариш соҳаларида банд бўлган кадрларнинг маҳсус тайёргарлиги ҳамда уларнинг маълумотига мос равиша кўллаш даражаси нечоғли юксак бўлса, жорий қилинаётган бошқарув инновациялари самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштиришда узлуксизлик айнан бошқарув аппаратидаги ҳар бир ходимнинг муттасил ижодий фаолияти шароитларида таъминланади.<sup>41</sup>

Бошқарув инновацияларини жорий қилишни ташкиллаштириш бўйича мазкур парадигма иккি ёндашувни ўз ичига олади, янгиликларни бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини эмас, инновация жараёнига корхона фаолиятининг турли соҳаларини босқичма-босқич жалб қилишни назарда тутади. Бу билан у мамлакатимиз саноат корхоналарида инновацион ривожланишининг эволюцион йўлига зид бўлмайди. Аввало инновациянинг техник томони, сўнг – ташкилий томони, сўнг назорат амалга оширилади. Одатда, сўнгги босқич ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг мос механизмини ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Бир нарсани ўзгартираётib (маҳсулот, технология, жихоз, кадрларни), раҳбарлар қандайдир вақт давомида корхона фаолиятини қолган таркибий қисмларини корхона устидан назоратни йўқотиш ҳавфини камайтириш учун ўзгармас қилиб сақлаб туришга интиладилар. Шу тарзда биз Ш.Клейнернинг “...маълум даражада муваффақиятли менежмент бир томондан бошқарув субъекти “кўнглига йўл топиш” ва иккинчи томондан очиқласига куч ишлатиш билан уйғунликда амалга оширилиши мумкин”,<sup>42</sup> деган фикрига кўшиламиз, чунки бутун жамоа

<sup>39</sup> Пригожин А. И. Нововведения: стимулы и препятствия (Социальные проблемы инновации) - М.: Политиздат, 1989. - 234 с.

<sup>40</sup> Na'il a. H. K. Awamleh. Managerial Innovation in the Civil Service in Jordan: a field Study / Na'il a. H. K. Awamleh. // Journal of Management Development. - Vol. 13. - No. 9. - 1994. - P. 52-60.

<sup>41</sup> Одинцова Г.С. Развитие систем управления: структура, функции, нормативы /, В.И.Горошко, А.А.Лимонова и др.; АН УССР. Харьков. Отд-ние ин-та экономики. - Киев: Наук. Думка, 1989. - 199 с.

<sup>42</sup> Клейнер Г. Наноэкономика / Вопросы экономики. — 2004. - №12.-С.70-93.

ҳамкорлик қилган шароитларда ўзгаришиларни низосиз жорий қилиш қоида эмас, истиснодир. Ўзгаришилар юқори раҳбарият ва ходимлар томонидан ғоятда турлича баҳоланади.<sup>43</sup>

Ҳар қандай янгилик билан биргаликда кечадиган ички ташкилий қаршиликни бартараф қилиш муаммоси билан кўпгина муаллифлар шуғулланади. Бошқарув инновацияси деганда биз корхонанинг ижтимоий тизимиға сингган янгилик деб тушунар эканмиз, биз бу қаршиликнинг ижтимоий-иқтисодий контекстини аниқлашга уриниб кўрдик. Ф.Тейлор, ўзининг корхона менежменти тўғрисидаги назариясини шакллантираётган пайтда, кўп йиллар давомида ишини бир хил эски усулда бажарётган инсон қийинчилик билан ўзгаришиларга юз тутади, деган эди<sup>44</sup>. Раҳбарият томонидан ташкилотда амалга оширилиши керак бўлган ўзгаришилар зарурати ва сабаблари ҳакида хабардор қилишнинг сустлиги эса янгиликларни салбий қабул қилишга олиб келади.

Шу сабабли, бошқарув инновацияларини жорий қилишни ташкил этиш тамойиллари, шакллари ғоят турлича: тўғридан-тўғри ва фаол ёки қатъий, ситуациян ёки сурункали ижтимоий бетарафликни бартараф қилишга қаратилган чоратадбирларни ўз ичига олиши лозим.<sup>45</sup> Шу тарзда, бетарафлик манбаларини англаш ва аниқлаш, уларга таъсир кўрсатиш ўзгаришиларни самарали бошқаришда асосий вазифадир.

<sup>43</sup> Хентце И., Камель А. Как преодолеть противодействие организационным изменениям / [Электронный ресурс] // Проблемы теории и практики управления. — Режим доступа: [http://www.cfin.ru/management/change\\_opposition.shtml](http://www.cfin.ru/management/change_opposition.shtml).

<sup>44</sup> Тейлор Ф. У. Принципы научного менеджмента - М.: Контроллинг, 1992. - 104 с.

<sup>45</sup> Исаченко Н. Социально-психологический контекст сопротивления изменениям [Электронный ресурс] – Режим доступа: [http://www.cfin.ru/management/stfstrategy/change/resistance\\_contexts.html](http://www.cfin.ru/management/stfstrategy/change/resistance_contexts.html).

Бизнинг фикримизча, мазкур парадигма доирасида бошқарувга янгиликларни жорий қилиш бошқарув инновацияларини амалга оширишда пайдо бўладиган ижтимоий сустлик феноменини олдини олиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади, унинг мазмуни ва намоён бўлиш шакллари меҳнат муносабатларининг ҳар бир иштирокчиси, унинг қадриялари, танлови ва асосий фаолият шароитларининг мақсадли рационал мумаласи билан белгиланади.

Фикримизча, бошқарув инновацияларини жорий қилишнинг ушбу парадигмаси узоқ давом этган ишлаб чиқариш тушкунлиги, кредитлашнинг номақбул шартлари, буюртмачиларнинг тўлов қобилиятсизлиги, юқори иқтисодий таваккалчилик ва юқори инфляция даражаси натижасида инновацион фаоллиги пасайган, бу каби бошқарув ўзгаришиларини амалга ошириш тажрибаси бўлмаган корхоналарга мос келади. Тажрибанинг йўқлиги амалга оширилаётган янгиликни юзаки жорий қилишга, унинг кейинчалик институционаллашувига имкон қолдирмаслигига сабаб бўлади.

## РЕЗЮМЕ

В статье анализируется организация внедрения управленческих инноваций в промышленных предприятиях и показаны типы современных парадигм.

## RESUME

In the article the problems of organizing the implementation of management innovations in industry is discussed and covers the information about the types of its modern paradigms.

## ФАЛСАФА

### **Ёшларнинг экологик онги ва маданиятини юксалтириш – атроф- мухит мусаффолигига эришишнинг муҳим омили**

**Давлетов С.Р. т.ф.н., доц.**

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг қарийб 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этади<sup>46</sup>. Шундан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёsat давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, унинг асосий мақсади - ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқукий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатdir.

Мамлакатимизда 2000 йилни “Соғлом авлод йили”, 2008 йилни “Ёшлар йили”, 2010 йилни “Баркамол авлод йили”, 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши ҳам ёшларга берилётган эътиборнинг яққол ифодаси бўлди. Зоро, юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интелектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш борасида кенг кўламли, аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширилиб, катта ютуқларга эришилмоқда.

Баркарор тараққиётга эришиш сари дадил қадам ташлаётган мамлакатимизда экологик сиёsatнинг муҳим стратегик йўналишларни аниқлаб олишни ва

экологик хавфларнинг олдини олиш, йўқотиш, барқарорлаштириш ва маҳаллийлаштириш бўйича аниқ биринчи навбатдаги тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади<sup>47</sup>. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда дунёда кечеётган глобаллашув жараёнлари экологик муаммоларни ҳал этишда нафақат хўжалик фаолиятида ресурсларни тежовчи ва экологик тоза технологияларни жорий қилиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш, шу билан биргаликда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирларнинг ўзигина ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал этишда етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Бу борада аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, ҳар бир инсонда атроф-мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, мамлакатнинг ноёб табиатини келгуси авлодлар учун асрраб-авайлаш хиссини шакллантириш экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-мухитга салбий антропоген таъсирнинг олдини олиш асосий омилларданdir.

Шундан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлаш муҳим стратегик йўналишлари бири – аҳолининг экологик таълим-тарбия ва маданият тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳисобланади. Бу борада жамиятнинг экологик маданиятини ошириш, мутахассисларни профессионал тайёрлаш мақсадларида, экологик комплекс давлат дастури асосида, умумий комплекс ва узлуксиз экологик таълим-тарбия тизими шакллантирилмоқда<sup>48</sup>.

Экологик таълим - умумий таълимнинг таркибий қисми сифатида, илмий тафаккурни вужудга келтириш ва ривожлантиришга, табиатни муҳофаза этишга доир зарурий амалий

<sup>46</sup> Файзиев Ш. Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳим кафолати. [http://huquqburch.uz/uz/view/166\\*3](http://huquqburch.uz/uz/view/166*3).

<sup>47</sup> Популярная экологическая энциклопедия Республики Узбекистан. Т. 1. Тошкент: Chinor ENK, 2008. - С. 143.

<sup>48</sup> Стратегические направления обеспечения экологической безопасности и механизмы их реализации. (<http://uznature.uz/rus/strategy.html>).

кўнинмаларни ҳосил қилишга қаратилган турли фан соҳаларининг ўзаро бирлигини англатиш жараёнидир. Экологик тарбия эса, табиатни муҳофаза қилиш сиёсатининг моҳиятини чукур тушунишга, инсонга табиат билан муносабатда маънавий масъулият ва бурч туйғусини сингдиришга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг фаол ҳаётий мақеини шакллантиришга қаратилган фаолиятларининг бирлигидир. Экологик масъулиятнинг шаклланиши, нисбатан мустакил бўлиб, у мазкур йўналишларнинг ўзаро боғланишини тақозо килади<sup>49</sup>.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда экологик қонунчилик негизида экологик таълим соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида табиатни муҳофаза қилиш максадларига эришиш учун барча турдаги таълим муассасаларида экология фанини ўқитишнинг мажбурийлигини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилган<sup>50</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури», «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг давлат таълим стандартлари» ҳамда 2001 йил 16 августдаги қарори билан «Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари» тасдиқланган. Мазкур меъёрий хужжатларда ўқувчи-ёшларда экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида муайян билим ва маданиятни шакллантириш, уларга табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири, унинг оқибатларини тушунириб бориш, табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлигини англатиш, экологик ҳукуқдан хабардор қилиш, табиий ресурслардан

<sup>49</sup> Мамашокиров С., Усмонов Э. Баркарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.154.

<sup>50</sup> ЎзРТМҚДҶА. Папка №1. Законы РУз. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 09.12.1992 й. 754-XII-сонли Қонуни.

оқилона фойдаланиш, соҳага доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш лозимлиги белгилаб қўйилган.

Атроф-муҳит мусаффолигига эришиш ҳамда экологик фалокатларнинг олдини олишда ёш авлоднинг экологик таълими ва маданиятини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида БМТнинг Европа иқтисодиёт комиссияси томонидан қабул қилинган “Баркарор ривожланиш учун таълим бўйича Стратегияси” ва Баркарор ривожланиш учун таълим бўйича БМТ Декадасини (2005–2014 йиллар) амалга оширилиши юзасидан аниқ ишлар бажарилмоқда.

2005 йилда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан ҳамкорликда “Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари” Дастури ва Концепцияси ишлаб чикилди<sup>51</sup>. Унга асосан 2005–2009 йиллар давомида республикадаги мактабгача таълим муассасалари, бошланғич ва ўрта таълим ҳамда олий таълим муассасалари учун турли қўлланма, адабиёт ва кўргазмали қуроллар яратилди. Хусусан, “Чинор ЭНК” нашриётида чоп этилган олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари учун 28 турдаги экологик адабиётлар, 5 турдаги рисола, 16 хил плакат ва буклетлар минглаб нусхада тарқатилди<sup>52</sup>. Кўшма қарор ижроси юзасидан ҳар ўқув йили якунида назорат-таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

<sup>51</sup> ЎзРТМҚДҶА. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2005 йил 7 ноябрдаги №242/33/79-сонли қарори.

<sup>52</sup> ЎзРТМҚДҶА. Папка №35: Материалы сотрудничества с ВУЗами, НИИ АНРУз. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2005 йил 7 ноябрдаги №242/33/79-сонли қарори ижроси бўйича маълумот. Т., 2010. - Б.1.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган тадбирларда ёшлар таълим-тарбия жараёнининг объектигина эмас, балки субъекти, яъни ижрочиси хам эканлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу таълим олувчилар ва тарбияланувчиларнинг мустақил ҳамда эркин фикрларини таъминлашга имкон беради. Энг асосийси, ёшларда тарбия ва ўқишга бўлган эҳтиёжини уйғотишга йўналтирилган ҳолда таълим-тарбия ишларини ташкил қилишга эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сон қарори билан тасдиқланган “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури”ни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири норматив-хукуқий базани такомиллаштириш ҳамда экологик илм-фанни, аҳолининг экологик таълим ва тарбиясini ривожлантиришга қаратилди. Дастурнинг ушбу бўлимида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги норматив-хукуқий базани ривожлантиришга, аҳолининг узлуксиз экологик таълими, маданияти ва тарбияси тизимини такомиллаштиришга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг экологик харитаси ва атласини яратишга катта аҳамият берилди. Бу борада айниқса, экологик таълим ва тарбия, аҳолининг экологик маданиятини ошириш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, жамиятнинг турли катламларини экологик муаммоларни, шу жумладан, экологик билимларни таҳлил қилиш воситаси билан ҳал этишга кенг жалб қилиш, кўрсатиб ўтилган соҳадаги асосий вазифалар ҳисобланиши белгилаб берилган. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикасида узлуксиз экологик таълим ва барқарор ривожланиш учун таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришни амалга оширишга эътибор қаратилган.

Зеро, республика хукумати томонидан белгилаб берилган мазкур вазифаларни

амалга ошириш юзасидан 2008 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг “2008-2012 йилларда олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида экология ва барқарор ривожланишни таъминлаш соҳасидаги маърифий тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш дастури” ишлаб чиқилиб, шу асосда таълим муассасаларида қатор ишлар амалга оширилмоқда<sup>53</sup>.

Маълумки, мамлакатнинг энг ёш жамоат бирлашмаларидан бири – Ўзбекистон экологик ҳаракати 2008 йилда ташкил топган эди. Тарихан қисқа муддат ичидан Экоҳаракат мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзига муносиб ўрин топди. Бунинг учун Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Экоҳаракат фаоллари ва унинг жойлардаги бўлинмалари дастурий устувор мақсад ва вазифаларни оғишмай амалга ошириш учун аниқ режа асосида иш олиб борди<sup>54</sup>. Табиатни асрар нафақат экологлар ёки табиат ихлосмандларининг иши балки ёшлар ва жамоатчиликнинг ҳам вазифаси эканлигини ҳисобга олиб, табиат муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш борасида сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик кенг йўлга кўйилди.

Айниқса, баркамол авлоднинг экологик маданияти, экологик таълим-тарбияси ишини янада юксалтириш борасида сезиларли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон экологик ҳаракати “Ёшлар қаноти” бу борада кўплаб лойиҳаларни, акцияларни ва тадбирларни ишлаб чиқиб, ҳаётга

<sup>53</sup> ОЎМТВЖА. Маънавий ахлоқий тарбия бошқармасининг 2008 йилги материаллари: “2008-2012 йилларда олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида экология ва барқарор ривожланишни таъминлаш соҳасидаги маърифий тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш дастури”.

<sup>54</sup> Экологик барқарорлик йўлидан // Жамият. - Тошкент, 2010. - 6 авг.

татбиқ этмоқда. Хусусан, “Ёшлар қаноти” 2010 йил – “Баркамол авлод йили” давомида мамлакатимизнинг барча худудларида ўз фаоллари билан юртимиздаги экологик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш мақсадида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ўтказилди. Жумладан, “Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ташкилотлар имкониятлари ривожини қўллаб қувватлаш” мавзусида ўтказилган семинар-тренинглар шулар жумласидандир. Ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг “Ёшлар қаноти”, “Камолот” ёшлар ижтимоий харакати ўзларининг илғор ғоялари билан иштирок этишди. Тадбирлар ёшларнинг экологик ва хуқуқий маданиятини оширишда катта ўрин тутди<sup>55</sup>.

Ўзбекистон экологик харакати “Ёшлар қаноти” ёшларимизни юкорида келтирилган муаммолардан мамлакатимизнинг барча олий ўкув юртларида тадбирлар, семинар-тренинглар ўтказиш йўли билан воқиф этишга харакат қилмоқда. Шу жумладан, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда Экоҳаракат фаолиятига қизиқувчи жамоатчи ёшларни бирлаштирган ҳолда Ўзбекистон экологик харакати “Ёшлар қаноти” фаолият юритмоқда. Унда 35 ёшгача бўлган келажакка, табиатга бефарқ бўлмаган ёшлар иштирок этишлари мумкин. “Ёшлар қаноти” фаолиятини кенгайтириш борасида эса тажриба сифатида Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент техника университети, Тошкент кимё технологиялари институти, Тошкент тибиёт академиясидаги талabalар иштирокида доимий фаоллар гуруҳи ташкил этилди. Ушбу тажриба 2010

<sup>55</sup> [Ўзбекистон экологик харакати “Ёшлар қаноти” янги сифат босқичида.](http://www.eco.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=1077&Itemid=85) 17.12.2011. [http://www.eco.uz/index.php?option=com\\_content&view=article&id=1077&Itemid=85](http://www.eco.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=1077&Itemid=85)

йилда амалга оширилиб, ўзининг самарасини бера бошлади.

Экоҳаракатнинг Бухоро вилояти худудий бўлинмаси “Ёшлар қаноти” томонидан Академик лицейлар, касбхунар коллежлари, умумтаълим мактабларида ташкил этилаётган машғулотларимизда электрон слайдлар, видеороликлар каби кўргазмали материаллар, “Кичик гурӯхларда ишлаш”, “Танишув”, “Лабиринт”, “Тушунчалар таҳлили” сингари интерфаол усуслардан кенг фойдаланилаётгани қанотнинг ёшлар орасига чуқур кириб бориши ҳамда уларнинг Экоҳаракат ишида фаол қатнашишига омил бўлмоқда<sup>56</sup>.

Ўзбекистон Миллий университети Биология - тупроқшунослик факультети Экология кафедраси қошида фаолият юритаётган “Ёш эколог” клуби етакчи-эколог талabalар, ёш олимларни бирлаштиради. Бугунги талаба ёшлар кўп ўтмай ўқишини битириб, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи бошқа муассасаларда фаолият олиб борадилар. Назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш мақсадида клуб фаоллари Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Гидрометеорология бош бошқармаси, Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари, Экологик харакатда фаолият олиб бормоқдалар. Клуб фаолиятини мувофиқлаштиришда Тошкент шаҳар “Науот” социал-экологик жамоат бирлашмасининг қўмаги муҳим роль ўйнамоқда<sup>57</sup>.

Умуман олганда мамлакатимиздаги олий ўкув юртларидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат техника университети, Самарқанд давлат университети, Самарқанд қишлоқ

<sup>56</sup> Жалолов Ю. “Ёшлар қаноти фаоллашмоқда”. 09.02.2011. <http://www.buxoronoma.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&nom=313&id=3368>

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қилиш давлат қўмитаси Веб-сайти: [http://uzb.econews.uz/index.php?option=com\\_content&view=article&id=339:wildlife-management-by-youth-eyes&catid=11:eco-education&Itemid=21](http://uzb.econews.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=339:wildlife-management-by-youth-eyes&catid=11:eco-education&Itemid=21)

хўжалиги институти, Андижон давлат университети, Гулистон давлат университети, Фарғона политехника институти, Жиззах давлат педагогика институти, Бухоро давлат университети, Навоий педагогика институти, Термиз давлат университети, Урганч давлат университети талабалари мамлакатимизда экологик мухитни соғломлаштиришда Экоҳаракат “Ёшлар қаноти” билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйишган<sup>58</sup>. Албатта бу борада республикамиздаги барча таълим муассасаларининг фаол ёшларини ўз сафига қўшиш “Ёшлар қаноти”нинг асосий вазифаларидан бири.

Чунончи, Ўзбекистон экологик харакати ташкил этилгандан бўён ўтган вақт давомида аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш йўлидаги 1200 дан ортиқ амалий, илмий-назарий тадбирларда 1 миллион 300 минг нафардан ортиқ киши иштирок этди. Айниска, «Ёшларнинг экологик маданиятини ошириш муаммолари», «Ер - ризқ-рўзимиз манбаи, уни эъзозлаш барчанинг иши», «Баркамол авлодни камол топтириш ва соғлом мухит», «Экоҳаракатнинг «Ёшлар қаноти» олдида турган вазифалар», «Мактабда экологик таълимнинг ўрни», «Аҳолининг экологик маданиятини оширишда ҳамширанинг роли», «Ёшларнинг экологик маданиятини янада юксалтиришнинг ҳукуқий асослари» каби мавзуларда Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм вилоятларида ва Корақалпоғистон Республикасида ўтказилган тадбирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирган<sup>59</sup>.

Маълумки, 2005 йилда республикамизнинг барча худудларида 150 дан ортиқ нодавлат нотижорат

ташкилотларнинг ташабbusлари билан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар Миллий Ассоциацияси ташкил этилди<sup>60</sup>. ЎзННТМА 2006-2012 йиллар мобайнида бир қатор лойихаларни амалга ошириди. Хусусан, 2006 йилда «Ўзбекистон Республикасида ёшларни ижтимоий муаммоларини ечишда ННТлар фаоллигини янада оширишга қаратилган янги ёшлар ННТларини ташкил қилиш ва қўллаб-куватлаш» Даствури бўйича 14 та янги ёшлар ННТлари ташкил қилиниб, бугунги кунда худудлардаги бир қатор ижтимоий муаммоларни ечишда фаолият олиб бормоқдалар. Ассоциациянинг “Экология, таълим, иқтисод” йўналиши Ўзбекистон Экологик харакати ва бир қатор бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда бир неча йилдан бўён Республика Экожурналистика танловини ўтказиб келмоқда. Танлов доирасида республикамиздаги бир қатор журналистлар атроф-муҳит муҳофазаси йўналишида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятли лойихаларини кенг ёритмоқдалар. Шунингдек, 2011 йилда Ассоциация Экоҳаракат билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри олий ўқув юртларида талаба ва магистрантлар ўртасида “Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши ғоя” танловини ташкил этиб, узлуксиз экологик таълим сифатини янада ошириш, ёшларни ижодий салоҳиятини оширишга қаратилди<sup>61</sup>.

“ЭКОСАН” халқаро жамоат фонди Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Британия Кенгаши ва бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Сув ресурслари, Ер, Озон қатламини муҳофаза қилиш, Саломатлик, Биологик хилма-хиллик кунларига бағишлиб матбуот

<sup>58</sup> [Ўзбекистон экологик харакати “Ёшлар қаноти” янги сифат боскичидаги...](#)

<sup>59</sup> Алиханов Б., Қурбонов А. Ислоҳотлар истиқболи. 21.02.2012.

[http://www.eco.uz/index.php?option=com\\_content&view=article&id=1143:2012-02-21-10-11-50&catid=18:2009-07-08-05-00-30&Itemid=42](http://www.eco.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=1143:2012-02-21-10-11-50&catid=18:2009-07-08-05-00-30&Itemid=42)

<sup>60</sup> ЎзННТМАЖА. Ассоциациянинг Экология йўналиши доирасидаги фаолияти юзасидан маълумот, Т., 2012.

<sup>61</sup> ЎзННТМАЖА. Ассоциациянинг Экология йўналиши доирасидаги фаолияти юзасидан маълумот, Т., 2012.

конференциялари, бир қатор олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактаблар, БиоЭКОСАН Маркази, Завқий номидаги маданият саройи, Саломатлик ва тиббиёт статистикаси институтининг Тошкент бўлими, “Ўзбеккўмир” ОАЖда экология мавзуларида ўтказилган илмий, илмий-амалий конференциялар, учрашувлар давра сухбатлари, очиқ дарс ҳамда медиа-тур тадбирлари доирасида экологияга оид рефератлар, иншолар, расмлар танловлари ўтказилди. “ЭКОСАН”нинг “Анъаналарни тикла – дараҳт эк!” акцияси қувватланиб, кўчатлар экиш ташкиллаштирилди, “Ёш экологлар боғи”га асос солинди, танловлар ғолиблари ва фаоллари “ЭКОСАН” томонидан тақдирландилар, ушбу ташкилотларга экологияга оид харита, плакатлар ва адабиётлар совға этилди<sup>62</sup>.

2005 йилдан бошлаб мамлакатимизда Глобал Экологик Фонд Кичик Грантлар Дастири (ГЭФ КГД) ўз фаолиятини бошлади. Дастреб, БМТТД ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда ГЭФ КГДни мамлакатга жалб қилиш имконияти муҳокама қилина бошланди. 2008 йил 28 майда Ўзбекистонда ГЭФ КГДнинг тантанали очилиш маросимида ГЭФ КГД томонидан ишлаб чиқилган Миллий Дастирий Стратегия тақдимоти ўтказилди. Даструрда ГЭФ КГД 4-бюджет циклида (2008-2010 йилларда) қуйидаги устувор йўналишларда Ўзбекистонда амалга ошириладиган лойиҳавий ишлар:

1. ГЭФнинг “Биохилма-хилликни сақлаб қолиш” мавзуси доирасида – экотизимга ва муҳим биологик турларнинг яшаш жойларига маҳаллий аҳоли фаолиятининг кўрсатадиган тазиикини камайтириш;

2. ГЭФнинг “Иқлим ўзгариши” мавзуси доирасида – маҳаллий аҳоли томонидан энергия ишлатиш ҳисобига атмосферага иссиқхона газларини

чиқаришни қисқартириш ва аҳолининг иклим ўзгаришидан химояланмаган гурухларини келгусидаги оқибатларга тайёрлаш;

3. ГЭФнинг “Ерларнинг таназзулга учраши” мавзуси доирасида – ерларни сақлаб қолиш ва мунтазам фойдаланиш мақсадида, қишлоқ жойлардаги аввал таназзулга учраган ерларни тиклаш;

4. ГЭФнинг “Салоҳиятни яратиш” мавзуси доирасида – атроф-муҳит муаммоларини ечишда маҳаллий аҳоли салоҳиятини ошириш белгилаб қўйилган<sup>63</sup>.

КГДнинг Намангандаги лойиҳаси болаларга ва уларнинг ота-оналарига барглар ва бошқа органик чиқиндиларни куйдириш мумкин эмаслигини, уларни компостлаш йўли билан сабзавот ва меваларни ўстириш учун яхши ўғит олиш мумкинлигини ўргатади<sup>64</sup>. Чиқиндиларни қисқартиришни озгина ҳаракат билан одамларга моддий даромад келтирадиган томонга осонгина буриб юбориш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси, ЮНЕСКО ва Германиянинг Бонн университетига қарашли Ривожланишларни тадқиқ қилиш маркази (ZEF) ўртасидаги шартнома 2002 йилнинг январь ойидаги имзоланиб, 2002-2012 йилларда амалга оширилган илмий тадқиқот дастири “Хоразм вилоятида ер ва сувдан фойдаланишнинг иқтисодий ва экологик қайта куриш” деб номланди. Ушбу ривожланишларни тадқиқ қилиш дастири Германиянинг Тадқиқот ва олий таълим федерал вазирлиги (BMBF) томонидан молиялаштирилди. Қўшимча маблағлар эса – Нордрейн-Вестфален минтақасининг фан, мактаблар ва таълим вазирлиги, ZEF Бонн, Германия академик алмасиниши (DAAD) ва бошқа ташкилотлар томонидан таъминланди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг яқин ҳамкорлигига Урганч Дастреб Университети қошида

<sup>62</sup> Мирсовуров М. Педагог мутахассисларга экология ҳақида. <http://uzb.eko.uz/index.php/all-publications/all-articles/159-2011-11-22-16-58-56>

<sup>63</sup> ГЭФ КГД нинг Ўзбекистондаги Миллий Стратегияси... –Б 1.

<sup>64</sup> ГЭФ КГД Веб-сайти: [www.sgp.uz](http://www.sgp.uz).

ташкил этилди. Лойиҳанинг асосий мақсади – Ўзбекистонда сув, ер ва экология соҳасида изланишлар олиб бораётган илмий муассасаларини мустаҳкамлаш орқали мамлакатнинг Кўйи Амударё минтақасида сув ва ердан фойдаланишни ҳамда экологик вазиятни сурункали соғломлаштиришга ёрдам беришдан иборат бўлди<sup>65</sup>. Лойиҳада малакали мутахассислар тайёрлаш ҳам кўзда тутилиб, ушбу лойиҳа доирасида 101 нафар ўзбекистонлик талаба ва ёш тадқиқотчилар магистрлик ҳамда номзодлик илмий ишларини ҳимоя қилдилар<sup>66</sup>.

Мамлакатимизда “Армон” экологик ҳукуқ маркази ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини бир неча йўналишларда олиб боради: ҳукуқий саводхонлик даражасини ошириш; экологик ҳукуқларни ҳимоя қилиш бўйича аҳолига бепул юридик маслаҳатлар бериш; меъёрий-ҳукукий ҳужжатларни тайёрлаш ва муҳокама қилишда иштирок этиш ва бошқалар.

2003 йилдан бошлаб “Армон” маркази Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (EXХТ) кўмагида атроф-муҳит ҳолати ва Марказий Осиё ҳудудида экологик муаммоларни ҳал этиш йўллари тўғрисида мақолалар тўпламини – Экологик хавфсизлик ва фуқаролик ташаббуси бўллетени журналини чоп этмоқда<sup>67</sup>. Унда чоп қилинаётган мақолалар ёш тадқиқотчилар учун муҳим материаллар бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг расмий нашр органи бўлган “Экология хабарномаси” журналида кенг қамровли мавзуулардаги мақолалар чоп қилиниб келинмоқда. 2007 йилдан бошлаб журналнинг «Ёш эколог - Юный эколог»

болалар учун иловаси нашр этилаётгани фикримизнинг исботидир.

Умуман олганда мустақиллик йилларида юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланishi билан уйғун ҳолда ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, экологик маданиятини ошириш, мамлакатни экологик барқарор ривожлантириш йўлида олиб борилаётган экологик сиёсатнинг стратегик йўналишларидан бирига айланган. Албатта, бу борада ёшларимизнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ижтимоий фаол-лигини ошириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ манзилли тадбирларни янада кучайтириш асосий эътибор марказида турган масалалардан биридир.

Зеро, юртимизда экологик барқарорликни таъминлаш учун барчанинг, айниқса, баркамол авлодликни ўз қалбига сингдираётган ёшлар ўзларининг атроф-муҳит муҳофаза қонунчилигини мукаммал билишини; атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчиликдан унумли фойдалана олишини; атроф-муҳитга оид теран фикрлай олишини; табиатдаги обьект ва ходисаларни қиёслай олишини; атроф-муҳитдаги ўзгаришларга нисбатан зийраклиигини; табиатни муҳофаза қилишда қатъиятлиигини ва ташаббускорлигини; ўз-ўзини назорат қилишини; ватанпарварлик, она-табиатга меҳр-муҳаббатини; табиат бойликларидан фойдаланишда тежам-корликни; шахсий масъулиятини; экологик қадриятларни асрашга интилув-чанлигини; атроф-муҳитни асраб-авайлашда фаоллигини; бурчга садоқатлигини англаб этишлари заруратлиги ҳамда изчилилк билан ҳаётда фаол намоён этишлари талаб қилинади.

## **РЕЗЮМЕ**

Статья посвящена улучшению и чистоте окружающей среды, как основной фактор по формированию и повышению экологической культуры молодежи.

<sup>65</sup> ЗЕФ/ЮНЕСКО лойиҳаси Веб-сайти: [www.zef.de/khorezm](http://www.zef.de/khorezm).

<sup>66</sup> Боннда экология мавзууда давра сухбати // Халқ сўзи. - 2010. - 29 май.

<sup>67</sup> OSCE Project Co-ordinator in Uzbekistan. Environmental Bulletins. 9 August 2010. [http://www.osce.org/uzbekistan/item\\_11\\_45691.html](http://www.osce.org/uzbekistan/item_11_45691.html)

**RESUME**

In the article it is reported that freshness of the environment is the main factor in increasing youths' ecological intellect and culture.

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА  
АХЛОҚИЙ МУҲИТГА САЛБИЙ  
ТАЪСИР ЭТАЁТГАН ОМИЛЛАР**

**Эшчанова Н. УрДУ, стажёр-  
тадқиқотчиси.**

Глобаллашувнинг инсонлар, миллатлар, мамлакатлар ва минтақаларга ўтказаётган салбий таъсири бугуннинг ўзида яқол намоён бўлмоқда. У иқтисодиёти юксак тарақкий қилган йирик мамлакатнинг етакчилигини таъминлашга, уларнинг кам тарақкий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ресурсларини кўлга киритиш имкониятини кучайтироқда. Сиёsat соҳасида худди ана шу мамлакатларнинг ўзларининг демократик қадриятларини оммалаштиришга, ҳатто куч ишлатиш йўли билан бўлса ҳам миллатлар, халқлар ва мамлакатлар ҳаётига жорий қилишдек мудҳиш амалиётни кўллаш имкониятини ҳам кенгайтироқда. Бу жараённинг миллий-маънавий ҳаётга, ахлоқий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарнинг емирилишига ўтказаётган таъсири айниқса шиддат билан ривожланмоқда. Бу салбий жараённинг бугунги оқибатларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби Кофе Анан шундай баҳолаган эди: “миллионлаб ва миллионлаб фуқаролар ўзларининг шахсий тажрибаларидан шунга амин бўлмоқдаларки, глобаллашув тақдирнинг мукофоти эмас, балки уларнинг моддий фаровонлигини ёки уларнинг одатга айланниб қолган турмуш тарзини барбод қилувчи кучdir.<sup>68</sup> Бу фикрнинг айтилганига 9 йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо, ана шу вақт давомида бу жараён тўхташи нари ёқда турсин,

ҳатто сусаётгани ҳам йўқ, унинг ўрнига шиддат билан ривожланмоқда.

Глобаллашув жараённинг тарақкий қилган мамлакатларнинг иқтисодий соҳага (гегемонлигини таъминлашга кўрсатаётган таъсирини гарчанд бу масала мавзумизнинг йўналишига кирмасада), ўтказаётган таъсирини қуйидаги фикрлар ва рақамларда кўрсатиш мумкин. “Фарб аналитиклари” XXI асрни қандай тасаввур этадилар? Табиийки, трансмиллий корпорациялар кимнинг қўлида қўп бўлса, ўша хукмон. Демак, АҚШ мисолида фактларга мурожаат қиласиз: 1998 йилда 200 та энг катта трансмиллий корпорациялардан 74 таси АҚШ байроғи остида бўлган. Шунга ўхшаш корпорациялар барча товар айланмаларининг 36,5 фоизи улар ҳиссасига тўғри келган. Америкаликлар барча ТМК биргаликда олганда энг кўп “ишлаганлар”. Улар 52,7 фоиз фойда кўрганлар. Дунёдаги энг катта 50 компанияларнинг 33 тасининг штаб квартираси АҚШ да жойлашган. Улар биржадаги барча катта қийматга эга бўлган акцияларнинг 71,8 фоизига эгалик қиладилар. Яна бир жонли мисол. Дунёдаги мавжуд 201 катта саноат ва молия компанияларининг 90 фоизи АҚШ, Англия, Буюк биритания, Германия ва Франция каби беш мамлакат ҳиссасига тўғри келади<sup>69</sup>.

Бу маълумотлар ер куррасидаги миллий статистик хизмати ва шунингдек БМТ нинг маҳсус ташкилоти томонидан тўплланган ва қурдатли компютерларда анализ қилинган. Улар анализ қилинган маълумотларнинг бир қисмигина холос. Бу рақамлар тарақкий қилган мамлакатларнинг нақадар шиддат билан мавжуд моддий бойликларга эгалик қилинаётганлигидан далолат бериб турибди.

Бу ерда қуйидаги саволни қўйиш мумкин. Нима бўлибди, тарақкий қилган мамлакатлар мавжуд моддий бойликлар ёки ишлаб чиқарилаётган

<sup>68</sup> Каранг: “Известия”, 22 августа 1998 г.

<sup>69</sup> (каранг: <http://www.archipelag.ru/agehda/strateg/povestka-USA/amerigan-gtntry/globaersation>)

маҳсулотлардан келаётган даромадни асосий қисмини эгаллаган бўлса? Уларнинг интеллектуал, техник, технологик ва иқтисодий имкониятлари катта, шунинг учун ҳам бу жараён табиий,-деб қараш керак эмасми?

Агар бу факат иқтисодий соҳа билан чекланса, тараққий қилган мамлакатлар кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар билан муносабатлар тенглиги асосида муносабатлар олиб боришганида ва иқтисодиёт омили воситасида жаҳон халқлари миллий-маънавиятларини емириб, улар ўрнига ўзларининг маданият, маънавият ва турмуш тарзларини жорий қилишни етакчи тамойилга айлантиришни мақсад қилмаганларида эди, юқоридаги маълумотлардан хавотирланмаса ҳам бўлган бўлур эди.

Афсуски, глобаллашувнинг тараққий қилган мамлакатлар иқтисодиётнинг гуллаб-яшнашига қўшаётган ҳиссаси замини ниҳоятда чуқур. Улар назаримда қўйдагилардан иборат.

**Биринчидан**, иқтисодий омил ҳар доим барча бошқа омилларнинг тараққиёти ва истиқболини белгилаб берган. Шундай экан агар ТМК нинг тараққий қилган мамлакатлар қўлида тўпланиши шу даражада давом этадиган бўлса, “XXI асрда барча трансмиллий корпорацияларни ўз қўлида тўплаган мамлакат бошқаради”. Бу тараққий қилган мамлакатнинг: а) жаҳондаги бошқа мамлакатлар устидан иқтисодий ҳукмронлигининг таъминланишига олиб келади-дегани; б) иқтисодий ҳукмронликка эга бўлган мамлакатларнинг жаҳон сиёсатини белгилаб берувчи кудратли кучга айланишига олиб келади ва уларнинг “майда” миллатлар, халқлар ва мамлакатлар турмуш тарзини, миллатлар урф- одати, анъана ва қадриятларига зид бўлган ўзларининг “демократик” қадриятларни сингдириш имкониятлар кенгайтиришга тўла эришадилар -дегани;

**Иккинчидан**, тараққий қилган мамлакатлар ўртасида иқтисодий устунликни қўлга киритиши учун ўзаро

курашни яна ҳам кучайиб боришига олиб келади. Бу ниҳоятда хатарли “ўйинга” айланиш ҳавфи ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда. Унинг хатарли томони шундаки, жафони “ўйинда” қатнашаётганлар эмас, балки ундан ташқарида бўлган оддий халқ, “майда” мамлакатлар, халқлар ва миллатлар тортиши мумкин. Чунки, улар ўртасидаги “жанг” ўзларидаги мавжуд бўлган моддий бойликлар ва ресурслар учун эмас, балки кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатларда мавжуд бўлган моддий бойликлар ва ресурсларни қўлга киритиш учун боради. Бу “жанг” бугун кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатларга; а) гуманитар ёрдам кўрсатиш; б) иқтисодиётини ғаразли ниятда ўзларининг инвестицияларига боғлаб кўйиш; г) бу мамлакатларни ёвуз кучлардан “химоя” қилиш баҳонасида ўз қуролли кучларини жойлаштириш кўринишларида содир бўлмоқда.

Юқоридагилар гарчанд кўринишидан ўша мамлакатлар тараққиёти учун ўта зарур. Лекин, айни пайтда ўз ҳукмронлигини ўрнатишнинг энг “беозар” услуби ҳам ҳисобланади. Аслида ана шу услугуб ва тадбирларни амалга ошираётган мамлакатлар ўртасидаги “жанг”нинг авж олаётганлиги янги глобал муаммони келтириб чиқараётганлиги бугун яққол намоён бўлмоқда<sup>70</sup>;

Ана шу ҳавфнинг олди олинмас экан, жаҳон миқёсида шундоқ ҳам хатарли бўлиб турган вазиятнинг яна ҳам авж олиши кучайиб боради.

**Учинчидан**, “Глобаллашув”ни ўзининг қамрови, куч-қудрати иқтисод воситаси билан миллатни ўз домига тортаётган уммонга ўхшатиш мумкин. Унинг иқтисодиёт, сиёsat, ижтимоий ҳаёт, давлатлараро муносабатларга ўтказаётган таъсирлари қаторида

<sup>70</sup> Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет: История и современность М.№1 2005, с. 8-11

миллатнинг ўзлигидан маҳрум бўлишига ўтказаётган таъсири даҳшатли тус олмоқда. Интеллектуал салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари юксак ривожланган мамлакатлар, ана шу “уммон”нинг яратувчилари ва эгалари хисобланади. Улар кам тарақкий қилган мамлакатлар халқларини осонгина ана шу “уммон”га тортишга эришмоқдалар. Бу уммонга миллатларнинг ўзига хослиги, уларнинг урф-одат, анъана, қадриятлари “ғарқ” бўлиб кетиш хавфи кучаётганлиги бугуннинг ўзида сезилмоқда.

Бу “уммоннинг” хусусияти шундаки, уни юксак тараққиётга эришмаган биронта миллат ва халқнинг четлаб ўтиш имконияти йўқ. Чунки, бу жараёнда барча учун умумий бўлган иқтисодий омилни ишга солиш ва уни ким бақувват бўлса ўша ўз манфаатига йўналтиришнинг улдасидан чиқмоқда. Бу “уммон”нинг хатарли томони шундаки, у иқтисод омили, замонавий оммавий ахборот воситалари, телевидение, компьютер, интернет, уяли телефон ва бошқа воситалари инсонлар, айниқса ёшларнинг миллий онги, тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириб юбормоқда. Тарақкий қилган мамлакатлар худди ана шу имконият ва воситалар ёрдамида жаҳон халқлари онги, дунёқарashi ва турмуш тарзини бир қолипга солишини ўзлари шакллантираётган “оммавий” маданиятни сингдиришни маданият ва маънавиятни ривожлантиришнинг бош стратегик сиёсатига айлантираётганлиги яққол намоён бўлмоқда<sup>71</sup>.

Бугун миллатлар, халқлар ва оддий инсонлар ана шу сиёсатнинг натижаси ўлароқ кучли информацион босим остида яшашга мажбур бўлмоқдалар. Бу босим турли шакл ва услубларда ташкил қилинмоқда. Жумладан, турмуш тарзини, “юксак” демократик қадриятларини, бошни айлантирувчи, кулоқни гаранг қилувчи қўшиклар, одамларни ўлдириш,

кириб ташлаш, портлатишни намойиш этувчи кинофильмларини телевидение, компьютер, интернет ва уяли телефонлар орқали ташвиқот ҳамда тарғибот қилинмоқда. Эҳтимол уларни тарқатаётганлар учун бу маҳсулотлар хозирги даврнинг янги қадриятлари бўлиши мумкин. Аммо, ўзлигига қайтаётган миллатлар манфаатларига зиддир. Афсуски, улар тарақкий қилган мамлакатлар томонидан қудратли воситалардан фойдаланилган ҳолда шундай усталик билан ташвиқот қилинмоқдаки, бу маҳсулотлар ҳаётий тажрибасига эга бўлмаган ва ҳар қандай янгиликка қизқувчан ёшларнинг ўзлаштириши, ўзларнинг маънавий бойлигига айлантиришга интилиши оқибатида энди тараққиёт йўлига кирган мамлакатлар халқларининг миллий-маънавиятига сингиб бормоқда.

Тарихий тараққиёт тажрибалари кўрсатдики, маънавий қашшоқ ва ўзлигидан маҳрум бўлган манқурт миллат заиф, итоаткор ўзгалар измидан юрадиган “беозоргина” бўлиб қолаверади. Бунинг оқибатида миллатнинг нафақат миллий-маънавий ҳаёти барбод бўлади, шунингдек унинг мустақиллиги ҳам қўлдан кетади ва иқтисодий ҳаёти ҳам ўзгаларнинг хошиш-иродаси билан бошқариладиган бўлади<sup>72</sup>.

Ана шундай маҳсулотлардан бири бўлган рекламанинг кучи ва қудрати ҳақида фикр юритганда уни қуйидаги маълумотдан аник кўриш мумкин: “Америка Кўшма Штатларида салқин ичимликлар ва турли туман “батончик” шоколадлар реклами таъсири оқибатида уларга 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган барча болаларнинг 81 фоизи доимий истеъмолчисига айланиб қолган. АҚШда фақат битта болалар “коласи” ва конфет “батончик” реклами уларни ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан йилига 11 миллиард доллар сарфланади. Ундан келадиган соф фойда

<sup>71</sup> Қ.Назаров. «Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот» (ҳаммуаллифликда ёзилган. -Т.: Ўзбекистон, 1994) 119-бет.

<sup>72</sup> Қ.Назаров. «Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот» (ҳаммуаллифликда ёзилган. -Т.: Ўзбекистон, 1994) 119-бет.

турли хил баҳоланишида 90 миллиарддан то 110 миллиардни ташкил қилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича ана шу шоколад батончикларини истеъмол қилиниши оқибатида болалар ўртасида ҳаддан ташқари семириш, жигар ва ошқозон ичак касалликлари кўпайиб бораётганлиги ҳеч кимни қизиқтирумас экан. Проф. Доналд Эмерсоннинг таъкидлашича, энг ачинарлиси ана шундай турли кулгили телереклама ва рекламаларга 11 ёшгача бўлган болаларнинг қарши туриш қобилияти етишмас экан. 8 ёшгача бўлган болалар эса умуман реклама билан оддий кўрсатувларнинг фарқини тушунмас экан.<sup>73</sup>

Рұхшуносларнинг таъкидлашича, худди ана шу 8 ёшгача бўлган даврда болаларнинг онгиди “жойлашиб” қолган қарашлар, тасаввур ва таасуротлар боқийликка айланиб қолар экан. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундаки, телереклама, интернет кўринишидан оддий бўлган кулгули рекламалар орқали тарқалаётган ахлоқсизлик, бир жинсли никоҳ, инсонга қарши қаратилган отиш, қиришда қўлланиладиган турли воситаларнинг “кўғирчоқ” шаклида реклама қилиниши бугунги ёшларнинг эртага ахлоқсиз бўлиб ёки ёвуз ниятили инсон ёхуд экстремист бўлиб етишмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг энг хавфли томони шундаки, ана шундай салбий маълумотлар, “шошилинч” хабарлар оддий одамлар ва айниқса ёшлар онгига яна ўша қудратли воситалар орқали сингдирилаётганлигидир.

Маълумки, инсоният ва жамиятнинг интеллектуал салоҳияти юксалишида ғоя асосий манба хисобланади. Чунки, инсоният ва жамият эҳтиёжларининг узлиksiz бетўхтов ўсиб келиши ғоя асосида ривожланиб боради. Бу жараён ўз навбатида эҳтиёжларни қондириш борасида юзага келадиган муаммолар ва

вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ғояларнинг шаклланишига олиб келади.

Шу маънода ҳам ғояни ўсиб келаётган эҳтиёжларнинг иникоси ва уни қондириш борасидаги муаммолар ва вазифалар тизимини ўзида ифода эттиради – дейиш мумкин. У бу йўналишда истиқболга хизмат қилувчи қарашлар, мақсадлар ва хуносалар тизими сифатида намоён бўлади.

### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассказывается о факторах, оказывающие отрицательные влияния на нравственную среду в процессе глобализации.

### **RESUME**

The article includes information about the factors which have negative influence on ethical culture during the globalization process.

<sup>73</sup> Қаранг: Труд, 27 декабр, 2005 йил.


**ХОТИРА****Хоразм Маъмун академияси  
катта илмий ходими, археолог  
Шихназар Матрасулов**

Шихназар Матрасулов 1937 йил 24 майда Хива шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ҳозирги 55-сонли ўрта мактабни тутатиб, 1959 йилда Тошкент Давлат университети тарих мутахассислиги бўйича ўқишига кирган. Ўқишини 1965 йилда муваффакиятли тутатиб, 1968 йилгача Қўшкўпир туманидаги 48-сон хунар-техника билим юртида директор ўринбосари вазифасида ишлаган.

Шихназар аканинг 1968 йилдан кейинги ҳаёти бевосита Хива “Ичон қалъа” музей қўриқхонаси билан боғлиқ. 1968-1991 йилларда олим музейда илмий ходим ва бўлим мудири лавозимларида ишлаб келган. 1991-1992 йилларда ЎзР ФА Археология институтининг Қорақолпоғистон филиали қошидаги Хоразм Археология таянч пункти бошлиғи, 1992-2000 йилларда ЎзР ФА Археология институтининг Хоразм миңтақавий бўлими бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатган.

Ш. Матрасулов 2000 йилдан Хоразм Маъмун академияси Археология, тарих ва фалсафа бўлими катта илмий ходими, 2003 йилдан Хоразм Маъмун академияси Ф-7.3.14 шифрли “Хоразм маданиятининг қадимги ва энг қадимги тарихи” мавзусида грант етакчи илмий ходими, 2007 йилдан ФА-Ф8-019 шифрли “Қадимги Хоразм урбанизациялашган маданиятининг илдизлари” (мил.ав. VIII – V асрлардаги Жанубий Хоразм дафн иншоотлари асосида) мавзусидаги грант етакчи илмий ходими, ФА-А3-Г028 шифрли “Жанубий Хоразм ўрта аср шаҳарларининг моддий маданият тарихи” (Хоразм вилоятидаги археологик ёдгорликлар мисолида) гранти раҳбари лавозимларида ишлаган.

Ш. Матрасуловнинг 15 дан зиёд илмий ва услубий мақолалари журнallарда, тўпламларда ва маҳаллий



матбуотда эълон қилинган. Мунтазам радиоша республика ва вилоят телевиденияси ва радиоси орқали археология соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берib келган.

Ш. Матрасуловнинг ҳаёти ўзи танлаган археология фани соҳасида фидокорона меҳнат қилишдан иборат бўлиб, унинг бевосита фидокорона меҳнати туфайли Хива, Ҳазорасп, Янгиариқ, Тупроққалъа туманларида археологик қазишмалар олиб борилган. Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини асослаш ва ўтказишида археологнинг хизматлари бекиёс. Олим ҳаётининг сўнгги лаҳзаларигача ўзини илм-фанга бағишилади. Умрининг охирги дамларида ҳам Ҳазорасп шаҳри ташкил этилганлигининг 2700 йиллигини илмий асослаш билан машғул эди.

Илмий, ташкилий ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун Ш. Матрасулов бир неча марта ташаккурномалар билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги муносабати билан Ш. Матрасулов 1998 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.

Ш. Матрасулов оиласи, турмуш ўртоғи билан З ўғил, З қизни тарбиялаб вояга етказган.

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИДА ИЛМИЙ  
АНЖУМАНЛАР**

**“АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОН –  
ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ЕТУК ОЛИМ”**

Илмий анжуман 2012 йил 23 августда Хоразм Маъмун академиясида “Абулғозий Баҳодирхон – давлат арбоби ва етук олим” мавзусидаги илмий анжуман бўлиб ўтди. Илмий анжуман Хоразм вилояти ҳокимлиги, Хоразм Маъмун академияси, Олтин мерос жамғармаси Хоразм вилояти бўлими ва Урганч давлат университети ҳамкорлигига ташкил этилди. Анжуманни Хоразм Маъмун академияси раиси б.ф.д. Р.А.Эшchanов кириш сўзи билан очди.

Баҳодийхоннинг ҳаёти, давлат бошқаруви ва илмий фаолияти тўғрисида фикр юритилди. Айниқса, А.Абдурасоловнинг “Абулғозийхон – Янги Урганч асосчиси”, К.Худойбергановнинг “Абулғозий Баҳодирхон даври тарихий манбаларидағи эпиграфик маълумотлар” мавзуларидағи маъruzalari қизиқарли бўлди. Р.Собиров шахсий кутубхонасида сақланаётган Абулғозийнинг “Манофе ул инсон” асари ва унинг хусусиятлари ҳақида маъруза қилди. Венгер олими А. Вамбери “Абулғозийдан “Шажараи турк” асари учун бутун дунё олимлари миннатдордир” деганда қанчалар ҳақ эди. Анжуманда “Шажараи турк” асари ҳақида батафсил маълумот берилди. Анжуман қизғин мулоқот ва ишчанлик руҳида ўтди.



Анжуманда Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими т.ф.н. А.Абдурасолов, Хоразм Маъмун академияси етакчи илмий ходими фар.ф.д. Р.Собиров, Хива “Иchanқalъа” музей-қўриқхонаси илмий котиби т.ф.н. К.Худойберганов, Урганч Давлат университети доценти, т.ф.н. М.Матякубова ва Хоразм Маъмун академияси илмий котиби М.Абдуллаевлар маъруза қилдилар. Маъruzalardan Абулғозий

## “АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ ДУНЁ ИЛМ - ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ”

“Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминда не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан ғуурор ва ифтихор бағишлайди” – деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов. Дарҳақиқат буюк бобокалонларимиз ўз даврида илм-фанни нафақат юқори даражага олиб чиқишиган, балки ўзга халқлар олимларга маънавий устозлик қилганлар. Биз фақат аждодларимиз билан фахърланиб қолмасдан уларга муносиб авлод бўлишимиз, ҳоизрги кунда уларнинг илмий меросини ўрганиб, янги-янги ихтиrolар қилмоғимиз лозим.

2012 йил 12 сентябрда Хоразм Маъмун академиясида дунё математикларининг дахоси, буюк қомусий олим Мухаммад ибн Мусо ал Хоразмий таваллудининг 1129 йиллигига бағишлиб, “Ал-Хоразмийнинг дунё илм - фанига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги илмий-амалий видео-конференция ўtkазилди. Илмий анжуман Хоразм вилояти ҳокимлиги, Хоразм Маъмун академияси ва Урганч давлат университети ҳамкорлигига ташкиллаштирилди. Илмий-амалий видео-конференцияда Урганч давлат университети профессор-ўқитувчи ва талабаларининг онлайн орқали иштирок этдилар.



Анжуманинн Хоразм Маъмун академияси раиси б.ф.д. Р.А.Эшchanов кириш сўзи билан очди ва анжуман ишида муваффақият тилади. Анжумандан Ал-Хоразмийнинг тарих, математика, астрономия, география, фалсафа ва архитектура соҳасидаги илмий мероси бўйича маъruzalар тингланди. Анжуман мунозараларга бой бўлди. Урганч давлат университети стажёр-тадқиқотчи-изланувчилари, магистрантлари ва талабалари ўзларининг савол ва мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

Профессор А.Ҳасановнинг “Ал-Хоразмийни математика фани ривожига қўшган ҳиссаси” ва доцент К.Абримовнинг “Ал-Хоразмий - Шарқ ва Фарбнинг астрономия ва математика соҳасидаги янги давр асосчиси” мавзуларида маъruzalari кўпчиликда яхши таъссурот қолдириди. “Илмий ижодиётининг биринчи давларида Европадаги ҳеч бир халқ Хоразмий эришган ютуққа эришишга қобил эмас” – деб таъкидлаган эди италиялик олим К. Наллино. Чиндан ҳам буюк бобомиз ўз даврида илм-фанни бир неча аср илгарилаб кетишига замин ҳозирлади.

## “АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ – БУЮК ҚОМУСИЙ АЛЛОМА”

2012 йил 4 сентябрь Хоразм вилояти ҳокимлиги, Хоразм Маъмун академияси ва Урганч давлат университети ҳамкорлигига “Абу Райхон Беруний – буюк қомусий аллома” мавзусидаги илмий-амалий видео-конференция ўтказилди.



Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги (2006 йил 2 ноябрь) нутқида “Хоразм Маъмун академиясининг ташкилотчиси ва раҳбари бўлган Абу Райхон Берунийнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти ҳар қандай инсонни ҳайратга солиши муқаррар” – деб Абу Райхон Беруний фаолиятига юксак баҳо берган эди Юртбошимиз И.Каримов.

Илмий анжуман Абу Райхон Беруний таваллудининг 1039 йиллигига бағишилаб ўтказилади. Видео-конференцияда Урганч давлат университети профессор-ўқитувчи ва талабалари онлайн орқали иштирок этишди. Анжуманинни Хоразм Маъмун академиясининг илмий ишлар бўйича раис муовини, қ-х.ф.н. Ш.Ю.Қодиров очди.

Анжуманда Хоразм Маъмун академияси бош илмий ходими, фар.ф.д. Р.Собиров “Сайдана ва унинг фармакология ривожланишидаги ўрни”, Урганч давлат университети катта ўқитувчиси, т.ф.н. Ш.Нуруллаева “Буюк қомусий олим ҳаёти ва ижоди” Урганч давлат университети География кафедраси мудири, г.ф.н. С.Авезов “Абу Райхон Берунийнинг геодезия ва картография

фанлари ривожига қўшган ҳиссаси” Урганч давлат университети Тарих кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н. Ю.Рахмонова “Абу Райхон Беруний тадқиқотларида ҳиндлар диний эътиқодининг ўрганилиши”, Урганч давлат университети доценти, тех.ф.н. Б.Раҳмонов “Беруний асарларида зилзила мавзуси” ва Урганч давлат университети География кафедраси ўқитувчиси, г.ф.н. Д.Рўзметов “Абу Райхон Берунийнинг олам тузилиши ва ер ҳақидаги қарашлари” мавзуларида маъруза қилдилар.

**М.Абдуллаев тайёрлади.**